Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!

СОВЕТ ЎЗБЕКИСТОНИ

Ўзбекистон Коммунистик партияси Марказий Комитети, Ўзбекистон ССР Олий Совети ва Министрлар Советининг органи

Газета 1918 йил 21 июндан чиқа бошлаган

№ 175 (20. 143) • 1988 йил 2 август, • сешанба • Баҳоси 3 тийин.

ПАХТАКОРЛАР МУСОБАҚАДОШ ДЎСТЛАРНИ ҚАБУЛ ҚИЛМОҚДАЛАР

Қардош пахтакор республикаларнинг ўзаро текшириш бригадалари 1 август куни Тошкентга келди.

Ўзбекистон вакиллари Озарбайжон, Тожикистон ва Туркманистондан келган мусобақадош дўстларини самимий кутиб олдилар. Делегацияларнинг составида илгор хўжаликларнинг раҳбарлари, олимлар ва мутахассислар, партия, касаба союз ва комсомол ташкилотларининг ходимлари бор. Улар республикамизда ғўза парваришининг илғор усуллари билан танишадилар, ўз тажрибаларини баҳам кўрадилар, қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришини ривожлантириш муаммолари ва йўлларини биргаликда муҳокама этадилар.

Озарбайжон делегациясига республика Давлат агросаноат комитети раисининг ўринбосари А. Набиев, Тожикистон делегациясига Тожикистон ССР мелиорация ва сув хўжалиги министри Ҳ. Насриднов, Туркманистон ССР делегациясига — «Главкаракумстрой» бошлиғи О. Чориев бошчилик қилмоқдалар.

(ЎзТАГ).

КПСС Марказий Комитети Пленумининг қарори

КПСС XIX БУТУНИТТИФОҚ КОНФЕРЕНЦИЯСИ ҚАРОРЛАРИНИ БАЖАРИШ СОҲАСИДАГИ АМАЛИЙ ИШЛАР ТЎҒРИСИДА

1. КПСС Марказий Комитети партия ва мамлакат ҳаётида катта воқеа бўлиб қолган КПСС XIX Бутуниттифоқ конференцияси қабул қилган қарорларни бажариш қайта қуриш жараёнларини, туб иқтисодий ислоҳотни ва совет жамиятини демократиялашни анча жадаллаштиришга имкон беришни таъкидлайди.

КПСС Марказий Комитетининг доклади ва конференциянинг бошқа ҳужжатлари юзасидан делегатларнинг ғоят активлиги билан ўтган мўзокаралар рўй-рост ва принципиал характерга эга бўлиб, халқ бахт саодати, социализм тақдири тўғрисида катта ғамхўрлик билан йўғрилган эди. Қайта қуришга тўсқинлик қилаётган ва янгиланиш жараёнларини секинлаштираётган камчиликларни бартараф этиш, сиёсий системани ислоҳ қилиш, жамият ва партия турмушини янада демократиялаш юзасидан жуда кўп таклифлар билдирилди ва киритилди. Мулоҳазалар ва амалий фикрларнинг анчагина қисми меҳнат коллективлари фаолияти, аҳоли таъминотини яхшилаш, меҳнаткашларга хизмат кўрсатишнинг барча соҳаларини ривожлантиришни жадаллаштиришнинг кечиктириб бўлмайдиган масалаларига тааллуқлидир.

КПСС Марказий Комитети партия ташкилотлари зиммасига асосий диққат-эътиборни конференция йўл-йўриқларини амалда рўёбга чиқаришга қаратиб, уларни бажариш партия, барча давлат ва жамоат ташкилотлари ишининг ўзгариб айланишига, одамларни топширилган иш соҳаси учун тўла самарадорлик ва масъулият билан ҳаракат қилишга ундашига эришиш вазифасини юклади. Вужудга келаётган муаммоларни амалий ҳал қилиш, сиёсий, иқтисодий, социал ва маънавий соҳаларда, камчиликларга, бюрократизм, интизомсизлик ва масъулиятсизлик кўринишларига қарши курашда янгича ёндашувларни қарор топтиришда коммунистларнинг ташаббускорлиги ва уюшқоқлиги, ҳар бир партия аъзосининг актив позицияси ҳал қилувчи аҳамиятга эга бўлади. Барча ишларни конкрет ва қатъият билан олиб бориб, сезиларли натижаларга эришиш лозим.

2. Мамлакатни озиқ-овқат маҳсулотлари билан таъминлашни яхшилаш чора-тадбирлари, агросаноат комплексида иқтисодий муносабатларни янада ривожлантириш ва такомиллаштиришнинг асосий йўналишлари тўғрисида КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюроси ишлаб чиққан таклифлар маъқулансин.

Ана шу таклифлар асосида СССР Министрлар Совети, иттифоқдош ва автоном республикаларнинг Министрлар Советлари, халқ депутатлари ўлка ва область Советларининг ижроия комитетлари, иттифоқдош республикалар Компартияларининг Марказий Комитетлари, ўлка ва область партия комитетлари мамлакатни озиқ-овқат маҳсулотлари билан таъминлашни яхшилаш юзасидан конкрет чора-тадбирларни ишлаб чиқиб, амалга оширишлари мақсадга мувофиқ деб ҳисобласин.

СССР Министрлар Совети XIX Бутуниттифоқ партия конференцияси тавсияларига мувофиқ равишда туб иқтисодий ислоҳотни ривожлантириш ва чуқурлаштириш ҳамда уни амалга ошириш давомида аниқланган камчиликларни бартараф этиш чора-тадбирлари тўғрисидаги таклифларни ишлаб чиққанлиги эътибор учун қабул қилинсин. КПСС Марказий Комитетининг Сиёсий бюроси маъқуллаган мазкур тадбирлар туб иқтисодий ислоҳотни амалга ошириш соҳасида бундан кейин қилинадиган ишларга асос қилиб олинсин.

XIX Бутуниттифоқ партия конференциясида ўртага қўйилган халқ истеъмоли молларини ишлаб чиқаришни кўпайтириш, аҳолига савдо хизмати кўрсатишни яхшилаш ва пулли хизмат соҳаларини тубдан қайта қуриш масалалари юзасидан СССР Министрлар Совети тақдим этган СССР ҳукумати қарорлари лойиҳаси маъқулансин.

3. Иттифоқдош республикалар Компартияларининг Марказий Комитетлари, ўлка, область, округ, шаҳар ва район партия комитетлари ҳамда тегишли совет органларида ишлаётган коммунистлар XIX партия конференцияси қарорларини ҳисобга олиб, яқин вақт ичида партия комитетлари билан халқ депутатлари Советлари вазифаларини белгилаб бериш юзасидан амалий ҳаракатлар қилсинлар. Бунда территорияларни социал-иқтисодий ривожлантириш учун Советларнинг масъулияти оширилиши, уларнинг мустақиллиги ҳамда ўзини ўзи бошқаришни кучайтириши таъминлансин, Советларнинг кадрлар билан мустаҳкамлашда, маҳаллий ишларга раҳбарликни ташкил этишда, партия ва давлат сиёсатини амалга оширишда ёрдам берилсин. Бундан буён партия комитетлари билан Советлар ижрочи-идора қилувчи органларининг биргаликда қарор қабул қилишга хотима берилсин, партия аппарати ходимларининг Совет органлари ваколатини амалга оширишга аралашишларининг қатъий олди олинсин.

Партия аппаратини қайта қуришнинг асосий йўналишлари маъқулансин ва бу иш шу йилнинг охиригача амалга оширилсин.

4. Марказий Комитет Пленуми партия ташкилотларининг ишида активликни ошириш ва мустақилликни кучайтиришнинг муҳим аҳамиятини таъкидлаб, КПСС конференциясининг партия ички муносабатларини демократиялаш, партиявий ўртоқлик, барча масалаларни эркин муҳокама қилиш, рўй-рост лик, ошкоралик, коллективизм, онгли интизом, шахсий масъулият муҳитини ҳамма жойда қарор топтириш тўғрисидаги талабларини ҳеч қандай қўшимча кўрсатма бўлишини кутмай амалга ошириш лозим, деб ҳисоблайди. Партия аъзолари бир қисмининг пассивлигини тугатишга, КПСС Устави бажарилиши учун талабчанликни оғишмай оширишга алоҳида эътибор бериш зарур. Сайлаб қўйиладиган органлар иши тубдан ўзгартирилсин, улар партия ташкилотларидаги ишларнинг аҳволи учун тўла жавобгар бўлишлари, қайта қуриш сиёсатини қатъият билан амалга оширишлари керак.

Пленум партияда бўлажак ҳисобот-сайлов кампаниясининг принципиал аҳамиятини таъкидлайди. Бу кампания партиянинг халқ сиёсий авангарди сифатидаги ролини ошириш, жамият турмуши барча соҳаларини туб ўзгартиришни амалга оширишга, мамлакатни социал-иқтисодий ривожлантиришни жадаллаштиришга коммунистларни сафарбар этиш белгиси остида ўтиши даркор. Партия конференцияси руҳи, ундаги демократик муҳит ва танқидий йўналиш жойларга етиб бориши, қайта қуриш ғояларининг ҳар бир партия ташкилоти амалий ишлари билан бирлашишини, партиянинг бутун ички ҳаётини янгилашни, партия раҳбарлигини демократиялашни таъминлаш муҳимдир. КПСС Марказий Комитети Пленумининг «Партия ташкилотларида ҳисобот ва сайлов тўғрисида»ги қарори тасдиқлансин.

5. Сиёсий системани ислоҳ қилиш юзасидан ҳуқуқий ва ташкилий чора-тадбирларни сира кечиктирмай амалга ошириш зарур. Шу мақсадда: СССР Конституциясига ўзгартишлар ва қўшимчалар киритиш тўғрисидаги Қонун ҳамда СССР халқ депутатларини сайлаш тўғрисидаги Қонун лойиҳалари 1988 йил октябрида тайёрланиб, умумхалқ муҳокамасига қўйилсин, бу сайлов 1989 йил март ойида ўтказилсин.

Шу билан бир вақтда республика ва маҳаллий давлат ҳокимиятининг янги органлари 1989 йил декабрь ойида ўз ваколатларини бажаришга киришишлари учун иттифоқдош ва автоном республикаларда тегишли ишлар ташкил этилсин. СССР Конституциясини ўзгартириш тўғрисида ва сайлов тўғрисидаги қонунларни ишлаб чиқиш чоғида КПСС Марказий Комитетининг XIX партия конференциясига доклади, конференция қабул қилган резолюциялар, шунингдек, Марказий Комитет Сиёсий бюросининг мазкур Пленумдаги докладида баён қилинган қоидалар асос қилиб олинсин.

XIX Бутуниттифоқ партия конференцияси қарорлари муносабати билан давлат ҳокимияти ва суд органлари структураси ҳамда фаолиятини такомиллаштириш вазифалари тўғрисидаги масала КПСС Марказий Комитети номидан СССР Олий Советининг яқинда бўладиган сессияси муҳокамасига киритилсин. Сессияда муҳокама қилиш учун СССР Конституциясига сиёсий системани ислоҳ қилиш ва мавжуд сайлов системасини янгилаш ҳамда судлар фаолиятини қайта қуриш билан боғлиқ бўлган ўзгартиришлар киритиш тўғрисидаги Қонун актлари, лойиҳалари ва таклифлари тақдим этилсин.

Конференция қарорларига мувофиқ СССР Олий Советини сайлаш ҳамда ўз зиммасидаги Умуминттифоқ давлат органларини тузишга доир бошқа масалаларни ҳал қилиш учун 1989 йил апрель ойида СССР халқ депутатлари съездини чақириш мақсадга мувофиқ деб ҳисобласин. Сўнгра СССР Олий Советида ёшлар тўғрисида, касаба союзларининг ҳуқуқлари ҳақида, кўнгилли жамиятлар, ижтимоий ташаббускор органлар ва бошқа ташаббускор бирлашмалар тўғрисида, матбуот ҳақида Қонун лойиҳалари, сиёсий системани ислоҳ қилишдан келиб чиқадиган бошқа Қонун актларини тайёрлаш ишлари авж олдириб юборилсин.

Советларнинг ролини ошириш, уларнинг ҳуқуқий ва моддий-молиявий базасини тубдан мустаҳкамлаш мақсадида 1989 йилда маҳаллий ўзини-ўзи бошқариш ва маҳаллий хўжалик тўғрисидаги Қонун лойиҳаси тайёрлансин, ўзини ўзи бошқариш, ўзини-ўзи пул билан таъминлаш, ўзини-ўзи маҳсулотлар билан таъминлаш, регионал манфаатларни умумдавлат манфаатлари билан қўшиб олиб бориш, маҳаллий Советларнинг корхоналар ва колхозлар, меҳнат коллективлари кенгашлари ва жамоат ташкилотлари билан алоқаларини кучайтириш принциплари бу Қонун лойиҳасига асос қилиб олинсин. Мазкур қонун лойиҳаси жамоатчилик кенг муҳокамасига тақдим этилсин.

XIX партия конференциясининг бошқарув органлари ишини контрол қилишни кучайтириш, бюрократизмга қарши кураш, ошкораликниривожлантириш тўғрисидаги йўл-йўриқларини тўла-тўкис амалга ошириш учун ҳозирнинг ўзидаёқ барча даражадаги Советлар фаолиятида демократизм кўпроқ бўлишига, депутатларнинг, доимий комиссиялар ва депутатлар группаларининг роли ортиб боришига эришилсин.

6. Миллатлараро муносабатлар соҳасида бутун диққат-эътибор айрим регионларни ривожлантиришдаги турғунлик ҳолатларини, миллатлар ва элатлар социал-иқтисодий ва маънавий эҳтиёжларига етарли баҳо бермасликни бартараф этишга қаратилсин, миллатчилик ва шовинизм эҳтиросларини авж олдираётган қайта қуришга қарши кучларга қаттиқ қарши кураш олиб борилсин. Миллатлараро муносабатларнинг XIX партия конференциясида кўзда тутилган ҳуқуқий базасини мустаҳкамлаш чора-тадбирлари амалга оширилсин, ғоявий ва сиёсий ишлар кучайтирилсин, социалистик интернационализм қатъият билан қарор топтирилсин.

Марказий Комитет Сиёсий бюросига иттифоқдош республикалар Компартиялари Марказий Комитетлари, тегишли ўлка ва область партия комитетлари, илмий муассасалар билан биргаликда КПСС Марказий Комитети Пленумида кўриб чиқиш учун СССРда миллатлараро муносабатларни такомиллаштириш масалаларига доир зарур материалларни 1989 йил бошига қадар тайёрлаш топширилсин.

7. 1989 йил ўртасига қадар суд ислоҳоти, прокуратура, арбитраж, тергов органлари, адвокатура, халқ хўжалигидаги юридик хизмат фаолиятини қайта қуриш, жиноий қонунларни такомиллаштириш ишлари амалга оширилсин. Ҳуқуқий тарбия ва юридик умумий таълим авж олдирилсин. Бу чора-тадбирлар кенг ҳуқуқий ислоҳотни амалга ошириш, совет социалистик ҳуқуқий давлат негизларини мустаҳкамлаш йўлидаги дастлабки қадамлар деб ҳисоблансин.

КПСС Марказий Комитети Пленумининг қарори

ПАРТИЯ ТАШКИЛОТЛАРИДА ҲИСОБОТ ВА САЙЛОВ ТЎҒРИСИДА

1. КПСС Устави ва XIX Бутуниттифоқ партия конференцияси қарорларига мувофиқ шу йилнинг охиригача бошланғич партия ташкилотлари, район, шаҳар, округ, область ва ўлка партия ташкилотларида ҳисобот-сайлов йиғилишлари ва конференциялари бўлиб ўтади.

КПСС Марказий Комитети Пленуми бўлажак ҳисобот-сайлов кампанияси конференцияда қайта қуришни чуқурлаштириш, сиёсий система ислоҳотини амалга ошириш, жамият ва партия турмушини янада демократиялаш юзасидан ишлаб чиқилган йўл-йўриқларни амалда рўёбга чиқаришда муҳим босқич бўлиши керак, деб ҳисоблайди. Мазкур кампания партия оммасини активлаштиришга, партия ташкилотлари ва комитетларининг роли ва масъулиятини оширишга, улар фаолиятида раҳбарликнинг сиёсий методларини қарор топтиришга ҳар томонлама ёрдам бериши керак. Конференциянинг ўз моҳиятига кўра, революцион, демократик муҳити, ушбу анжуманда авж олиб кетган мунозараларнинг амалий руҳи, рўй-ростлиги ва ўткирлиги, камчиликларга мурosасизлик, янгиланиш жараёнини муқаррар қилиш йўллари ва воситаларини ижодий қидириш партия йиғилишлари ва конференцияларининг бутун ишига сингиб кетиши керак.

2. Иттифоқдош республикалар Компартиялари Марказий Комитетлари, ўлка, область, округ, шаҳар ва район партия комитетлари, бошланғич партия ташкилотлари зиммасига ҳисобот-сайлов кампанияси пухта тайёргарлик кўриш, уни юксак ғоявий-сиёсий ва ташкилий даражада, халқнинг сиёсий авангарди сифатида партиянинг ролини ошириш, коммунистларни жамиятимизнинг барча соҳаларида туб ўзгаришларни амалга оширишга, мамлакатнинг социал-иқтисодий ривожланишини жадаллаштиришга сафарбар этиш белгиси остида ўтказиш вазифаси юклансин.

Ҳисобот-сайлов йиғилишлари ва конференцияларида партия XXVII съезди қарорлари бажарилишининг боришини, ташкилотчилик ва ғоявий-тарбиявий ишнинг аҳволини чуқур ва ҳар томонлама таҳлил этиш, партия ташкилотлари ва уларнинг сайлаб қўйиладиган органлари фаолиятининг услуб ва методларини баҳолашга ўз-ўзини танқид ва принципиаллик билан ёндашиш, коммунистларнинг куч-ғайратини КПССнинг XIX Бутуниттифоқ конференциясида илгари сурилган вазифаларни рўёбга чиқаришнинг амалий ишларига йўналтириш зарур.

Бошланғич партия ташкилотларини бундан буён ҳам ташкилий-сиёсий жиҳатдан мустаҳкамлаш ва уларнинг ролини ошириш, халқ депутатлари Советлари, касаба союзлари, комсомол ва бошқа жамоат ташкилотларидаги коммунистларнинг фаолиятини яхшилаш, кадрларни танлаш, кўтариш ва тарбиялашни такомиллаштиришга алоҳида эътибор берилиши керак.

Иқтисодий ислоҳотнинг борishi, янги хўжалик механизмини жорий этиш, хўжалик ҳисоби ва ўзинини-ўзи пул билан таъминлаш принципларини қарор топтириш, ишлаб чиқаришда социалистик ўзини-ўзи бошқаришни ривожлантириш масалалари чуқур ва ҳар томонлама муҳокама қилинсин.

Ҳисобот ва сайлов жараёнида озиқ-овқат муаммосини тезроқ ҳал этишнинг йўллари батафсил кўриб чиқилсин, бунинг учун ҳар бир регионда, ҳар бир меҳнат коллективида амалда нималар қилиш зарурлиги аниқ-пухта белгилансин. Пудрат, ижара, кооперациянинг турли формаларини ривожлантириш негизида колхоз-совхоз ишлаб чиқаришнинг имкониятларидан самарали фойдаланишни таъминлайдиган тадбирлар ишлаб чиқилсин. Бошқа энг муҳим вазифаларни, яъни бозорда юқори сифатли халқ истеъмоли товарларини мўл-кўл қилиш, уй-жой ва социал-маданий қурилиш ҳажмларини кўпайтириш, савдо ва бутун хизмат кўрсатиш соҳасини яхшилаш, соғлиқни сақлашни такомиллаштириш, ўрта ва олий мактаб ислоҳотини ўтказиш, меҳнаткашларнинг маънавий ва маданий эҳтиёжларини яна ҳам тўлароқ қондириш масалаларини муҳокама қилишга амалий ёндашиш муҳимдир.

Совет кишиларини, айниқса, ёшларни ғоявий, интернационал чиниқтириш, ишга виждонан, ижодий ёндашиш, жамият олдидаги бурчни чуқур англаш, масъулиятсизлик ва бюрократизмнинг ҳар қандай кўринишларига муросасизликни тарбиялаш масалалари ҳар бир партия ташкилотининг диққат марказида туриши керак.

3. Ҳисобот-сайлов кампанияси партиянинг бутун ички турмушини янада демократиялаш, партия ташкилотларида ижодий мунозаралар, фикр-мулоҳазалар эркинлиги, кенг кўламдаги танқид ва ўз-ўзини танқид вазиятини вужудга келтиришга, коммунистларнинг ташаббускорлиги, шахсий масъулияти ва онгли интизомини оширишга имконибарича кўпроқ ёрдам бериши керак.

XIX Бутуниттифоқ партия конференциясининг йўл-йўриқларига амал қилиб, ҳамма жойда номзодларнинг кенг кўламда муҳокама қилиниши ва партия комитетларининг аъзолари ва секретарлари сайланаётганида яширин овоз берилиши сайлов бюллетенларига мандатлардагига нисбатан кўпроқ номзодларнинг киритилиши учун тўла имконият таъминлансин, партия ташкилотларининг юқори партия органи составига номзодлар таклиф этиш ҳуқуқи амалга оширилсин, бунда узил-кесил ҳал қилиш тегишли конференция делегатлари ихтиёрида бўлиши назарда тутилсин.

Сайловни шундай ўтказиш мумкинки, раҳбар партия органларига ҳақиқатан ҳам сергайрат, ташаббускор, обрўли, сўзда эмас, балки амалда қайта қуришни олға силжитишга, омма ўртасида ишни омилкорлик билан олиб боришга, реал амалий натижаларга эришишга қодир бўлган кишилар кирсин. Ҳисобот-сайлов кампаниясидан партия кадрлари составини янги кучлар билан тўлдириш, партия раҳбарлигининг турли бўғинларини сиёсий етук, юксак аҳлоқий фазилатларга эга бўлган билимдон ходимлар билан мустаҳкамлаш учун фойдаланилсин.

КПСС Марказий Комитети Пленуми XIX Бутуниттифоқ партия конференциясида қабул қилинган партия органларидаги сайлаб қўйиладиган лавозимда бўлишни икки беш йиллик муддат билан чеклаш тўғрисидаги қоидани амалда жорий этиш зарур, деб ҳисоблайди, муддатни ҳисоблаш ушбу ҳисобот-сайлов кампаниясидан бошланиши керак. Шу билан бирга коммунистларнинг ҳар бир раҳбар тўғрисидаги масалани, у ана шу лавозимда қанча вақт ишлаганлигидан қатъий назар кўриб чиқиш ва ҳал этиш ҳуқуқлари бор, бунда улар мазкур раҳбар ўзига топширилган вазифаларни қандай бажараётганлигига ва ишни сифат жиҳатдан яхшилашга қодир ёки қодир эмаслигига эътибор берадилар.

4. Партия ташкилотларидаги ҳисобот ва сайлов кенг ошкоралик вазиятида ўтказилиши таъминлансин. Марказий ва маҳаллий матбуотда, телевидение ва радио орқали йиғилишлар ва конференцияларнинг ўтиши, улардаги вазият, коммунистлар кўтариб чиқаётган масалалар мунтазам ёритиб борилсин, қабул қилинган қарорлар, сайлаб қўйилган партия органларининг состави хусусида жамоатчилик батафсил хабардор қилинсин, танқидий фикр-мулоҳазалар ва таклифлар қандай амалга оширилаётгани кўрсатиб берилсин.

5. Маҳаллий партия органларининг бошланғич партия ташкилотларида ҳисобот-сайлов йиғилишларини шу йилнинг сентябрь-октябрь ойларида, район, шаҳар, округ конференцияларини октябрь-ноябрь ойларида, область, ўлка конференцияларини ноябрь-декабрь ойларида ўтказиш тўғрисидаги таклифлари қабул қилинсин.

6. КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросига Пленумда бўлиб ўтган муҳокамани ҳисобга олиб, раҳбар партия органларига сайлов тўғрисидаги инструкцияни тасдиқлаш топширилсин.

КПСС Марказий Комитети Пленумининг қарори

ПАРТИЯ АППАРАТИНИ ҚАЙТА ҚУРИШНИНГ АСОСИЙ ЙЎНАЛИШЛАРИ ТЎҒРИСИДА

XIX Бутуниттифоқ партия конференцияси партиянинг бутун фаолиятини тубдан қайта қуришни, партия ташкилотлари иш формалари ва усулларини КПССнинг жамият сиёсий авангарди сифатидаги ролига ва янги вазифаларига мувофиқлаштиришни зарур деб топди. Шу туфайли партия комитетлари билан давлат, хўжалик органлари вазифаларини изчиллик билан аниқ белгилаб қўйиш, уларнинг ишидаги параллелизм ва такрорлашни бартараф этиш, партия аппарати структурасини тубдан ўзгартириш ва сифатини яхшилаш, унинг партия сайлаб қўйиладиган коллегияларига қатъий бўйсуниши ва ҳисоб бериб бориши ғоят муҳим аҳамиятга эга бўлади.

КПСС Марказий Комитетининг Пленуми қарор қилади:

1. КПСС Марказий Комитети ва маҳаллий партия органлари аппаратини қайта ташкил этиш шу йилнинг охиригача амалга оширилсин, унинг структураси аппаратни бошқарув тармоқларига қараб парчалаб юборишдан воз кечишни ҳамда ички ва ташқи сиёсатнинг асосий масалалари билан шуғулланадиган бўлинмаларини мустаҳкамлашни кўзда тутиб, партиянинг ҳозирги шароитдаги вазифаларига мувофиқ равишда қайта тузилсин. Бунда ходимларнинг умумий сони анча қисқартирилиши лозим.

Шунга асосланиш керакки, партия ташкилий структурасининг ажралмас таркибий қисми бўлган партия аппарати қайта қуришнинг актив кучи, унинг ёрдамида сайлаб қўйиладиган партия органлари ўз сиёсий, ташкилотчилик ва тарбиявий вазифаларини рўёбга чиқарадиган, қабул қилинган қарорларни амалга оширишга ва ижрони текшириш, қуйи ташкилотларга уларнинг фаолиятида ёрдам бериш юзасидан кундалик ишларни олиб борадиган восита бўлиши керак.

Партия аппаратини қайта ташкил этиш ва унинг бўшаб қолган ходимлари бир қисмидан давлат, хўжалик ва жамоат фаолияти энг муҳим участкаларини, шунингдек, қуйи партия бўғинларини мустаҳкамлаш учун фойдаланиш зарур. Бунда халқ депутатлари Советлари аппаратини ва халқ контроли органларини сиёсий система уларнинг янги ролини ҳисобга олган ҳолда мустаҳкамлашга алоҳида эътибор берилсин.

Партия аппаратини қайта қуришда партия комитетлари аппаратидаги бошланғич партия ташкилотлари фаол иштирок этиши таъминлансин.

2. КПСС Марказий Комитети партия комитетлари амалга оширадиган раҳбарликнинг сиёсий характерини кучайтиришга, фармойишбуйруқбозлик методларини, уларнинг фаолиятидаги технократизм кўринишларини қатъий бартараф этишга, партия ва жамоат турмушида демократик принципларни қарор топтиришга биринчи даражали аҳамият бермоқда.

Ҳозирги пайтда партия комитетларидан, уларнинг аппаратидан, партиянинг жамиятни революцион янгилаш йўлини изчиллик билан амалга ошириш, ижодий ҳаракат қилиш, қуйи партия бўғинларига васийлик қилмай ва уларни бўғиб қўймай ғоявий-тарбиявий ва ташкилотчилик иши методлари билан ҳаракат қилиш маҳорати айниқса кўпроқ талаб қилинади. Янги шароитда партиявий иш практикаси диққат билан ўрганилсин ва умумлаштирилсин, сиёсий, иқтисодий, социал ва маънавий соҳаларда юз бераётган жараёнлар таҳлил қилинсин, энг яхши тажрибани оммалаштирилишига кўмаклашилсин. Партия аппаратининг ишини ишчанлик, ошкоралик, танқидий кайфият, омма билан доимий алоқа тобора кўпроқ белгилаб туриши лозим.

3. Партия комитетлари, уларнинг бюроси, секретариатлар партия аппаратига ходимларни танлаш ва кўтаришга эътиборни кучайтиришлари зарур. Партия аппарати юксак маънавий фазилатларга эга ва ишни янгича ташкил этишга қодир, сиёсий етук, яхши тайёргарлик кўрган коммунистлар билан тўлдирилсин.

Бошланғич партия ташкилотларининг тавсиялари ходимларни партия аппаратига кўтаришнинг сўзсиз шарти, деб ҳисоблансин. Коммунистни партия ишига тавсия қилган партия ташкилоти агар у ишончни оқламаса, эгаллаб турган лавозимидан бўшатиш тўғрисидаги масалани қўйишга ҳақлидир.

Аппарат ходимлари ташаббуси ҳар томонлама қўллаб-қувватлансин ва ривожлантирилсин, уларга кўпроқ ёрдам берилсин, партиявий ўртоқлик, КПСС Устави олдида барча коммунистларнинг тенглиги вазияти қарор топтирилсин, бюрократизм элементлари, манманлик, коммунистик еккайиш, лаганбардорлик кўринишлари қатъий тугатилсин.

4. КПСС Марказий Комитети аппаратининг янги структурасини кўриб чиқиш ва тасдиқлаш, шунингдек, маҳаллий партия органлари аппаратининг асосий бўғинларини белгилаш КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросига топширилсин, бунда иттифоқдош республикалар Компартиялари Марказий Комитетлари, ўлка ва область партия комитетларига республика, ўлка область партия ташкилотларининг функциялари ўзгарганлигини ҳисобга олиб ва улар иш ҳақининг тасдиқланган фонди доирасида барча партия комитетлари ва партия муассасаларининг структура-штат масалаларини мустақил ҳал қилиш ҳуқуқи берилсин.

М. С. ГОРБАЧЕВ Г.-Д. ГЕНШЕРНИ ҚАБУЛ ҚИЛДИ

М. С. Горбачев 30 июль куни Кремлда ГФР Федерал ташқи ишлар министри Ганс-Дитрих Геншерни қабул қилди. Бу биринчи учрашув эмасди. Сўнгги икки-уч йил ичида икки томонлама муносабатларда ҳамда Европа даражасида, шу жумладан шахсан Г.-Д. Геншер иштирокида кўп иш қилинганлиги сабабли суҳбат дарҳол катта муаммоларни муҳокама қилишдан бошланди.

Умумевропа ишларига катта эътибор берилди. СССРда, деб таъкидлади М. С. Горбачев, Ғарбий Европада ҳарбий интеграция ва 1992 йилгача «ягона бозор»ни барпо этиш планларининг эҳтимол тутилган оқибатларини таҳлил қилмоқдалар. Европа сиёсатчиларининг масъулияти шундан иборатки, бу планлар ҳозир реалликка айланаётган қуролсизланиш ва хавфсизликни мустаҳкамлаш соҳасидаги ижобий ишларга путур етказмаслиги, Хельсинки жараёнига, ҳамманинг манфаатларини кўзлаб умумий ҳамкорлик қилишни кўзда тутувчи «Умумевропа хонадони» концепциясига зарар етказмаслиги керак. Г.-Д. Геншер бу ўринда Европа келажаги учун хавф хатар йўқ, аксинча Европа иқтисодий ҳамжамияти доирасида «ягона бозор» ташкил этилиши бутун Европа кўламида, жаҳон кўламида ҳамкорлик ва рўйрост учун имкониятларни кўпайтиради, деган маънода гапирди. У Европа ҳамиша турли социал ва сиёсий системаларга мансуб давлатлар мавжуд бўлган жой бўлиб келди ва шундай бўлиб қолади, деб таъкидлади.

Европада юз бераётган хилма-хил жараёнларда катта, жаҳоншумул муаммоларни ҳал этиш, ҳал этганда ҳам халқаро миқёсда намуна бўладиган тарзда ҳал қилиш учун катта имкониятлар бор.

Бу соҳада кўп нарса СССР билан ГФР ўртасидаги муносабатларга ҳам боғлиқ. Уларнинг жамоатчилиги онгида ҳам, сиёсий даражада ҳам улар ўртасида бутун Европа ва дунёда ижобий жараёнларни ривожлантиришга кўмаклашадиган муносабатлар барпо этилиши учун масъулиятни тушуниб етиш шаклланди.

ГФРнинг «Шарқий сиёсати» деб аталган сиёсати билан боғлиқ бўлган асосли тажрибаси ана шунга олиб келди, бу сиёсатни олдинги ҳукумат коалицияси бошлаб берган эди ва унга содиқлик ҳозир ҳам сақланиб қолмоқда. Муайян ишонч фонди вужудга келган ва бу ҳақиқатан ҳам ҳал қилувчи аҳамиятга эга. М. С. Горбачев Геншернинг ишонч қозониш қийин, лекин уни бузиш осон, деган фикрини қўллаб-қувватлади. Иккала халқ тарихи, Европа тарихи ана шундан сабоқ бермоқда. Шу боисдан ҳам ишончни қадрлаш, уни ривожлантириш, конкрет мазмун билан бойитиш муҳимдир. Аввало олий даражада бир-бирларинигикага визит билан бориш учун тайёргарлик ва ана шу визитларнинг ўзи ҳам ишончни ривожлантиришга бўйсундирилиши лозим.

Бўлажак визитлар икки томонлама муносабатларни янада ривожлантиришга кучли омил бахш этиши керак, деган умумий истак билдирилди. Ҳозирги даврнинг энг катта муаммоларини муҳокама қилиш, визит якунлари шу вақтга қадар тўпланган барча масалани ўз ичига оладиган, уларнинг натижалари сиёсат соҳасида ҳам, экономика, экология, маданият, одамларнинг мулоқотлари соҳасида ҳам катта ва истиқболли ишга айланишига эришиш керак.

Дунёга кенг нуқтаи назардан қарашдан, келажакка назар ташлашдан чўчимаслик керак, деди М. С. Горбачев. Ташқи сиёсатни янги тафаккур руҳида янги халқаро муносабатларни акс эттирадиган даражага олиб чиқиш пайти келди, токи у кундалик воқеаларга нисбатан билдириладиган фикргина бўлиб қолмасин. Ташқи сиёсатни таркиб топтиришга ана шундай ёндашиш олдин ишончсизлик ва шубҳа туғдирган бўлса ҳам, ҳозирнинг ўзидаёқ дастлабки муҳим амалий натижалар келтирди.

Вена учрашувидаги аҳвол муҳокама қилинди. М. С. Горбачев Сиёсий маслаҳат комитети қабул қилган қарорларга асосланиб, бу учрашувни тўсқинликсиз тугаллашдан Совет Иттифоқининг, Варшава Шартномасида қатнашувчи барча давлатларнинг манфаатдорлигини таъкидлади. Биз у ерда юз берган муаммоларни ечишда олға боришга тайёрмиз, лекин бизнинг бир томонлама қуролсизланишимизга ҳеч ким умид қилмасин.

Суҳбатда қайта қуриш ҳамда унинг Совет Иттифоқининг ўзига, шунингдек атрофдаги дунёга, Европага, шу жумладан Совет—Ғарбий Германия муносабатларига таъсири масаласи кўп марта тилга олинди.

XIX партия конференцияси ва Марказий Комитетнинг куни кеча бўлиб ўтган Пленуми муносабати билан М. С. Горбачев авж олиб кетган жараёнлар ҳозирги босқичининг моҳиятини қисқача таърифлаб, мамлакат олдида турган улкан вазифаларни бажаришга партия қандай ёндашаётганлигини тавсифлаб берди. Бу вазифаларнинг ҳал этилиши мамлакатнинг ўзи учун чинакам революция бўлади ва бутун халқаро тараққиётга сўзсиз равишда ҳаётбахш таъсир ўтказади. Г.-Д. Геншер ГФРнинг, Ғарбий Европанинг Совет Иттифоқида бошланган ўзгартишлар муваффақиятидан манфаатдорлиги тўғрисида гапирди.

Мазкур мавзудаги фикрлашиб олиш шуни кўрсатдики, ҳар бир система ўзгариб бориши ва ўз проблемаларини ўзича ҳал қилиши лозимлиги, ҳеч ким ҳақиқатни ўзи учун монополия қилиб олишга, ўз қадриятларини бошқаларга тиқиштиришга ҳақли эмаслиги, йўллар ва системалардаги тафовут муҳолифлик учун баҳона эмаслиги, аксинча ҳар бир томоннинг фойдаси учун ва умумий тараққиёт учун бир-бирини ўзаро бойитиш ва ҳамкорликка хизмат қилиши тобора кўпроқ тан олинмоқда.

Г.-Д. Геншер М. С. Горбачевга ГФР канцлери Г. Коль саломини топширди. М. С. Горбачев канцлерга салом топширишни ва яқин келажакда у билан шахсан учрашишни кутаётганлигини айтиб қўйишни илтимос қилди.

Учрашувда: Э. А. Шеварднадзе, элчилар Ю. А. Квицинский ва А. Майер-Ландрут, ГФР Ташқи ишлар министрлигининг бўлим мудири Х. Фрайхер фон Рихтхоффен қатнашдилар.

(ТАСС).

СССР Олий Совети Президиуми «СССРда йиғилишлар, митинглар, кўча юришлари ва намойишлар уюштириш ҳамда ўтказиш тартиби тўғрисида» Фармон қабул қилди.

ТАСС мухбири В. Иткин СССР ички ишлар министри Александр Владимирович ВЛАСОВдан ҳужжатни шарҳлаб беришни илтимос қилди.

ЭРКИНЛИКЛАР КАФОЛОТИ

Маълумки, СССР Конституцияси халқнинг манфаатларини кўзлаб ҳамда социалистик тузумни мустаҳкамлаш ва ривожлантириш мақсадида СССР гражданларининг йиғилишлар, митинглар, кўча юришлари ва намойишлари ўтказиш эркинлигини гарантиялайди, деди министр. Демократиялаш ва ошкоралик жараёнларининг тобора чуқурлашуви совет кишиларининг ижтимоий активлиги ўсишига, сиёсий эркинликларни яна ҳам тўлиқроқ рўёбга чиқаришга бўлган табиий муддаоси кучайишига олиб келди. Совет кишилари турли оммавий тадбирларда иштирок этаётганларида шу нарса ўз ифодасини топди. Шу йилнинг ўзидагина олти юзга яқин митинг ва йиғилиш ўтказилиб, уларда юз минглаб граждан қатнашди. Аслини олганда бу кундалик ҳодисага айланиб қолди ва ғоят кўпчилиги ижобий тусда бўлиб, социал-иқтисодий масалаларни ҳал этиш, экологик муҳитни, табиатни, тарихий ёдгорликларни ва шу кабиларни муҳофоза қилишни яхшилаш мақсадини кўзлайди. Аммо айрим шахслар ва гуруҳлар Конституцияда белгиланган эркинликлардан жамиятга зид ва демократиялаш жараёни учун хатарли бўлган эҳтиросларни авж олдириш учун экстремистларча, миллатчилик ва манфаатпарастлик йўлида масъулиятсизларча фойдаланишга уринаётганликларини ҳам кўрмаслик мумкин эмас. Фикрларнинг ҳар қандай хилма-хиллиги турмушимизнинг социалистик негизларига қарши, қонунга ҳамда социалистик жамиятда яшаш нормаларига қарши анархиядан иборат хуружларни оқлай олмайди.

Мана шуларнинг ҳаммаси бир қанча ҳолларда жамоат хавфсизлиги манфаатларига ва бошқа гражданларнинг ҳуқуқларига бевосита таҳдид қилади. Шуни айтиш керакки, митинглар, кўча юришлари ва намойишлар уюштириш ҳамда ўтказиш тартиби тегишли тарзда қонун йўли билан белгилаб қўйилмаганлиги жамоат хавфсизлиги чора-тадбирларини олдиндан кўриб қўйиш борасидаги ишларни жиддий равишда заифлаштирган эди. Бир қанча жойларда қабул қилинган муваққат қоидалар бу муаммони ҳал этмади. Шу қоидаларнинг баъзилари граждан фаоллигини чеклаш ва тийиб туриш мақсадларидан келиб чиққан бўлиб, ташкилотчилар ва қатнашчиларнинг ҳам, маъмурият вакилларининг ҳам мажбуриятларини белгиламади.

Шу боисдан қабул қилинган Фармонда Конституцияда **белгиланган йиғилишлар, митинглар ва намойишлар ўтказиш эркинлиги ҳуқуқини амалга оширишнинг демократик регламенти,** мамлакат территориясида уларни уюштириш ва ўтказишнинг ягона тартиби жорий этилган. Фармон лойиҳаси жамоатчилик ҳамда совет органларининг вакиллари билан олдиндан кенг муҳокама қилинди. Бунда айтилган фикр-мулоҳазалар ва таклифлар уни узил-кесил ишлаб чиқиш чогида эътиборга олинди. Фармонни тайёрлашда амалда барча қоидалар, шу жумладан Грузия, Озарбайжон, Арманистон, Эстонияда, Москва, Ленинградда, шунингдек мамлакатнинг бошқа бир қанча регионларида амал қилаётган қоидалар тўла-тўкис ҳисобга олинди. Бу соҳада чет элларда ортирилган тажриба, хусусан Болгария, Венгрия, ГДР, Куба, Польша, Чехословакия, шунингдек бошқа бир қанча мамлакатлар тажрибаси ҳам ўрганилиб, фойдаланилди.

Фармон гражданлик ҳуқуқлари ҳамда сиёсий ҳуқуқлар тўғрисидаги халқаро пунктнинг руҳи ва принципларига ҳамда Бирлашган Миллатлар Ташкилоти қабул қилган бошқа ҳужжатларга мос келади.

СССР Олий Совети Президиумининг «СССРда йиғилишлар, митинглар, кўча юришлари ва намойишлар уюштириш ҳамда ўтказиш тартиби тўғрисида»ги Фармони ҳам давлатнинг гражданлар олдидаги, ҳам гражданларнинг давлат олдидаги масъулиятини кучайтиришга ёрдам беради. Ҳеч шубҳа йўққи, бу СССР Конституциясида ва иттифоқдош республикаларнинг Конституцияларида кўзда тутилган граждан эркинликларини янада тўлиқроқ рўёбга чиқаришга ҳамда мамлакатда ҳуқуқ-тартиботни тобора мустаҳкамлашга кўмаклашади. Фармонда, жумладан, халқ депутатлари Советлари ижроия комитетларининг оммавий тадбирларни ўтказиш учун зарур шарт-шароитларни таъминлаш борасидаги вазифалари белгиланган. Айни вақтда шу нарса кўзда тутиладики, ўтказиладиган митинг ёки йиғилишларнинг мақсади СССР Конституциясига, иттифоқдош ва автоном республикаларнинг Конституцияларига зид келадиган ёки жамоат тартибига ва гражданларнинг хавфсизлигига таҳлика соладиган ҳолларда ана шу митинг ва йиғилишлар тақиқлаб қўйилиши мумкин.

Ички ишлар органлари зиммасига аввало совет кишиларининг ҳуқуқлари амалда рўёбга чиқарилиши учун митинглар ва намойишларни ўтказишга шароит яратиб беришда масъулиятли вазифалар юкланмоқда. Бунга эса жамоат тартибини тегишли тарзда сақлаш йўли билангина эришиш мумкин. Оммавий тадбирларни уюштириш ва ўтказиш учун масъул бўлган шахсларнинг ҳуқуқ ва бурчлари аниқ белгилаб қўйилган тақдирда милиция ходимлари ҳуқуқ-тартиботни ҳамда гражданларнинг хавфсизлигини тегишли тарзда таъминлаш мақсадида бу ишда улар билан яна ҳам амалий равишда ва қалин баҳамжиҳат ҳаракат қила оладилар.

Пировардида А. В. Власов қуйидагиларни айтди: жамоат тартиби бузилган ёки тақиқланган митинг ёхуд намойиш ўтказилган ҳолларда милицияга социалистик қонунчиликка қатъий риоя этиб, ҳуқуқбузарликка, оммавий тадбирлардан иғвогарлик мақсадларида фойдаланиш йўлидаги уринишларга қатъиян чек қўйиш борасида тегишли ваколатлар берилган.



Цех ишга тушди

Андижондаги халқ истеъмоли буюмлари фабрикасида янги цех ишга тушди. Бу ерда сополдан тайёрланаётган чойнаклар, пиёлалар, гулдонлар ва бошқа миллий совға буюмлари ҳозирдан анча харидоргир бўлиб қолди.

Цех коллективи шу кунларда ҳар қачонгидан ҳам ғайрат кўрсатиб ишлаб, маҳсулот сифатини яхшилаш ва ҳажмини кўпайтириш учун астойдил курашмоқда. Цех ишчилари шу йилнинг ўзида аҳолига 300 минг сўмликдан кўпроқ турли-туман буюмлар етказиб бериш учун аҳд қилишган.

Суратда: цехнинг назоратчи мастери Раъно Адашева (чапда) ҳамда рассом Шоҳра Раҳимовалар буюмлар сифатини текшириб кўришяпти.

Р. Ашуров фотоси, (ЎзТАГ).

СССР ОЛИЙ СОВЕТИ ДЕЛЕГАЦИЯСИНИНГ УРУГВАЙ ВА БОЛИВИЯГА ВИЗИТИ

МОНТЕВИДЕО, 1 август. (ТАСС). СССР Олий Совети Президиуми Раисининг ўринбосари, Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Раиси П. Қ. Хабибуллаев бошчилигидаги СССР Олий Совети делегацияси Уругвайга қилган расмий визити ниҳоясига етгандан кейин якшанба куни Боливияга жўнаб кетди.

Карраско аэропортида совет делегациясини Бош Ассамблея вакиллар палатаси (парламент) раиси Эрнесто Аморин Ларраньяга, бошқа расмий кишилар самимий кузатиб қолдилар.

* * *

ЛА-ПАС, 1 август. (ТАСС). СССР Олий Совети Президиуми Раисининг ўринбосари, Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Раиси П. Қ. Хабибуллаев бошчилигидаги СССР Олий Совети делегацияси Боливия миллий конгрессининг таклифига биноан бу ерга келди. Делегация составида депутатлардан А. Н. Волков ва В. И. Федосов бор.

Альто халқаро аэропортида делегацияни миллий конгресс сенаторлари палатасининг раиси Сиро Гумбольдт, депутатлар палатасининг раиси Вилли Варгас, бошқа расмий кишилар кутиб олдилар.

СССР Олий Совети делегациясининг бошлиғи Ла-Пасга келгандан кейин матбуот учун берган баёнотида Боливияга таклифи учун республика миллий конгрессига миннатдорчилик изҳор этди. У мазкур визит иккала мамлакат халқлари ўртасида дўстликни тинчлик ва тараққиёт манфаатлари йўлида мустаҳкамлашга хизмат қилади, деб ишонч билдирди. П. Қ. Хабибуллаев шуни таъкидладики, жаҳон ўз тараққиётининг масъулиятли босқичини бошидан кечираётган ҳозирги шароитда парламент ва жамоат доиралари намояндаларининг учрашувлари ҳамда алоқалари яна ҳам кўпроқ аҳамият касб этмоқда. Бундай учрашув ва алоқалар ядро урушининг олдини олиш, жаҳондаги ижобий жараёнларни мустаҳкамлаш ҳамда ривожлантириш мақсадидаги амалий мулоқотнинг муҳим воситаси бўлиб қолмоқда.

Матбуот учун берилган баёнотда яна шу нарса ҳам уқтириб ўтиладики, визит боливияликлари Совет Иттифоқидаги қайта қуриш жараёнининг хусусиятлари билан, КПССнинг яқинда бўлиб ўтган XIX Бутуниттифоқ конференцияси якунлари билан таништириш, халқаро турмушнинг энг муҳим муаммолари хусусида фикрлашиб олиш, иккала томонни қизиқтирувчи бошқа масалаларни, шу жумладан Совет—Боливия муносабатларини муҳокама қилиш имконини беради.

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Фармони

ЎРТОҚ В. А. АНТОНОВНИ ЎЗБЕКИСТОН ССР ДАВЛАТ АГРОСАНОАТ КОМИТЕТИ РАИСИНИНГ БИРИНЧИ ЎРИНБОСАРИ — ЎЗБЕКИСТОН ССР МИНИСТРИ ҚИЛИБ ТАЙИНЛАШ ТЎҒРИСИДА

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми **қарор қилади:**

Ўртоқ Виктор Александрович Антонов Ўзбекистон ССР Давлат агросаноат комитети раисининг биринчи ўринбосари — Ўзбекистон ССР министри қилиб тайинлансин.

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Раиси П. ҲАБИБУЛЛАЕВ.
Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Секретари Л. БЕККЎЛБЕКОВА.

Тошкент шаҳри, 1988 йил 30 июль.

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Фармони

ЎРТОҚ Т. А. АЛИМОВНИ ЎЗБЕКИСТОН ССР ТАБИАТНИ МУҲОФАЗА ҚИЛИШ ДАВЛАТ КОМИТЕТИНИНГ РАИСИ ҚИЛИБ ТАЙИНЛАШ ТЎҒРИСИДА

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми **қарор қилади:**

Ўртоқ Тимур Аъзамович Алимов Ўзбекистон ССР табиатни муҳофаза қилиш давлат комитетининг раиси қилиб тайинлансин.

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Раиси П. ҲАБИБУЛЛАЕВ.
Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Секретари Л. БЕККЎЛБЕКОВА.

Тошкент шаҳри, 1988 йил 30 июль.

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Фармони

ЎРТОҚ И. С. УМАРОВНИ ЎЗБЕКИСТОН ССР ДАВЛАТ АГРОСАНОАТ КОМИТЕТИ РАИСИНИНГ БИРИНЧИ ЎРИНБОСАРИ—ЎЗБЕКИСТОН ССР МИНИСТРИ ҚИЛИБ ТАЙИНЛАШ ТЎҒРИСИДА

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми **қарор қилади:**

Ўртоқ Ислом Султонович Умаров Ўзбекистон ССР Давлат агросаноат комитети раисининг биринчи ўринбосари — Ўзбекистон ССР министри қилиб тайинлансин.

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Раиси П. ҲАБИБУЛЛАЕВ.
Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Секретари Л. БЕККЎЛБЕКОВА.

Тошкент шаҳри, 1988 йил 30 июль.

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Фармони

ЎРТОҚ С. Н. ИСМОИЛОВАНИ ЎЗБЕКИСТОН ССР МЕҲНАТ ВА СОЦИАЛ-ТАЪМИНОТ ДАВЛАТ КОМИТЕТИНИНГ РАИСИ ЭТИБ ТАЙИНЛАШ ТЎҒРИСИДА

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми қарор қилади:

Ўртоқ Санобар Назиржоновна Исмоилова Ўзбекистон ССР Меҳнат ва социал таъминот давлат комитетининг раиси этиб тайинлансин.

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Раиси П. ҲАБИБУЛЛАЕВ.
Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Секретари Л. БЕККЎЛБЕКОВА.

Тошкент шаҳри, 1988 йил 1 август.

ҚРИМ ТАТАР ТИЛИДА

Республика «Меҳнат» нашриёти Совет Социалистик Республикалари Иттифоқининг «СССРда кооперация тўғрисида»ги Қонуни текстининг қрим-татар тилидаги брошюрасини босиб чиқарди.

Шу Қонуннинг ўзбек ва рус тилларидаги тексти кўп нусхада китобча қилиб чиқаришга тайёрланмоқда.

(ЎзТАГ).

Ўзбекистон билан танишув

Германия Бирлашган Социалистик партияси Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси, ГБСП Магдебург округ комитетининг секретари Вернер Эберляйн Ўзбекистон ҳаёти билан танишмоқда.

ГДРдан келган меҳмон Ўзбекистон ССР Халқ ҳўжалиги ютуқлари виставкасини бориб кўрди, Тошкентнинг диққатга сазовор жойлари билан танишди.

1 август куни Вернер Эберляйн Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетида қабул қилинди. Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг секретари М. Ҳ. Холмуҳамедов билан суҳбат ўтказилди.

(ЎзТАГ).

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумида

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми партия ва касаба союз органларида узоқ йил самарали ишлаганлиги учун Ўзбекистон Компартияси Фарғона район комитетининг биринчи секретари ўртоқ Қаҳрамон Икромовни Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Фахрий ёрлиғи билан мукофотлади.

* * *

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми партия ва комсомол органларида узоқ йил самарали ишлаганлиги учун Ўзбекистон Компартияси Фарғона область Ёзёвон район комитетининг биринчи секретари ўртоқ Раҳмон Сафаровни Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Фахрий ёрлиғи билан мукофотлади.

• XIX Бутуниттифоқ партия конференцияси қарорлари—ҳаётга!

СОВЕТ ЖАМИЯТИ СИЁСИЙ СИСТЕМАСИНИНГ ИСЛОҲОТИ

КПССнинг Бутуниттифоқ конференциясида совет жамияти сиёсий системасининг ислоҳоти атрофлича таҳлил этилган марказий масалалардан бири бўлди. Аслида сиёсий система ислоҳоти КПСС Марказий Комитетининг 1985 йил апрелида бўлиб ўтган Пленумидан кейин кенг муҳокама қилина бошлади. Революцион қайта қуришни сиёсий системанинг ўзини ислоҳ қилмасдан туриб амалга ошириб бўлмаслиги аниқ бўлиб қолгандан кейин бу масала рўй-рост жамият ҳаёти кун тартибига қўйилди.

Улуғ Октябрь ғалабаси туфайли шаклланган, Совет ҳокимиятининг шундан кейинги дастлабки йилларида муваффақият билан амал қилган ва ривожланиб борган совет сиёсий системаси маълум босқичларда жиддий бузилишларга дуч келди. Айни шу бузилишлар М. С. Горбачев докладида қайд этилганидек, Сталин шахсига сиғиниш ва унинг атрофидагиларнинг ўз ҳукмини ўтказиш натижаси бўлди. Асоссиз репрессиялар ва қонунбузарлик авж олди.

КПСС XX съезди қарорларининг бажарилиши изчил ва тўлақонли бўлмаганлиги оқибатида бизнинг сиёсий системамизда кўпгина бузилишлар тақрорланди.

Бизнинг сиёсий системамизнинг ҳозирги аҳволи «Оғизда демократик принципларнинг эълон қилиниши ва амалдаги обрўйига кўр-кўрона бўйсуниш халқ ҳокимияти тўғрисида ваъзлар айтиш, аммо амалдаги валюнтаризм ва субъективизм, демократик тартиб-қоидалар тўғрисидаги гап-сўзлар ва социалистик турмуш тарзи нормаларининг амалда поймол этилиши, танқид ва ошкораликнинг кемтиклиги — мана шуларнинг ҳаммаси жамият турмушида жуда кенг тарқалган, илдиз отган эди», — деб таърифланди М. С. Горбачевнинг XIX Бутуниттифоқ партия конференциясида қилган докладида.

М. С. Горбачев докладида баён этилган сиёсий система ислоҳотининг вазифалари конференциянинг «Совет жамиятини демократиялаштириш ва сиёсий системани ислоҳ қилиш тўғрисида»ги резолюциясида мустаҳкамланди. Шу билан бирга сиёсий системанинг у ёки бу бўғинларига дахлдор бўлган бир қанча принципиал қоидалар конференциянинг бошқа резолюцияларида ҳам баён этилди.

Сиёсий системани ислоҳ қилиш тўғрисидаги қоида комплекс характерда эканлиги, унинг ҳамма бўғинларини ўз ичига олиши лозимлиги, экономикадаги, умуман, жамиятдаги қайта қуриш билан уйғун равишда, ва мумкин қадар қисқа муддатларда амалга оширилиши лозимлиги ҳақидаги қоида жуда муҳимдир.

Сиёсий системани ислоҳ қилишнинг ҳал қилувчи йўналиши социалистик давлатчилик ва мамлакатимиз ўз-ўзини бошқарувининг асоси бўлмиш халқ депутатлари Советларининг тўла ҳокимиятини таъминлашдир. Бу КПСС Марказий Комитетининг конференция кўрсатмаларини амалга оширишга бағишланган Пленумида ҳам кўрсатиб ўтилди.

Конференция Советлар барча функцияларини, яъни қонун чиқариш, бошқарув ва контроль функцияларини мустаҳкамлаш лозимлигига алоҳида эътибор берди. Бунда, масалан, Олий Советларнинг қонун чиқарувчилик функциясини олайлик. Мамлакатимизда жуда кўп қонунлар қабул қилинади, деган фикр қон-қонимизга сингиб кетган. Аслида эса СССРда қабул қилинган қонунларнинг сони етмишталаб ошмайди. Ҳозирга қадар кўпгина муҳим ижтимоий муносабатлар ё умуман тартибга солинмаган, ёки қонунга бўйсунувчи актларда, жумладан, СССР Министрлар Советининг қарорларида айтиб ўтилган, холос. Чунончи, ахборот тўғрисида, матбуот, ошкоралик, планлаштириш, маданият тўғрисидаги қонунлар ҳозирга қадар йўқ. Шунинг учун ҳам конференцияда ана шуларнинг баъзилари ҳақида қонун қабул қилиш зарурлиги таъкидланди.

Сўнгги ўн йил ичида маҳаллий Советларнинг роли ва масъулиятини ошириш назарда тутилган бир неча қарорлар қабул қилинди. Лекин улар амалда кутилган самарани бермади, чунки маҳаллий Советлар зарур моддий ва молиявий ресурсларга эга эмас эдилар. Бу жиҳатни назарда тутиб, конференция Советлар барқарор, узоқ муддатли нормативларга асосланган даромад манбаларига эга бўлиши зарур, деб топди. Бу даромадлар уларнинг территориясида жойлашган ҳамма корхоналар тушумларидан иборат бўлиши зарур. Бу Советлар мазкур территорияда яшовчи аҳолининг турмушини яхшилаш, иқтисодий ривожланишни, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш, бошқа етилган вазифаларни ҳал этиш, кўшимча даромадлардан, бюджетда назарда тутилмаган фондларни шакллантириш ва ҳоказолардан фойдаланиш имкониятига эга бўлишлари керак. Бинобарин, мавжуд даромадлар ва ресурслардан аввало, Советларнинг ўзи ва фақат унинг топшириғига кўра ижроия комитети, унинг бўлимлари ва бошқармалари фойдаланиши керак. Умуман олганда Советларга ва уларнинг ўзи томонидан тузилган ижроия комитетларга реал ҳокимиятни қайтариб бериш, конференция чиқарган муҳим хулосалардан бири бўлди. Лекин бундан шундай савол келиб чиқади: Советларнинг ҳозирги аҳволида улар чинакам тўла ҳокимият органи бўла оладими? Ахир, кўпгина маҳаллий Советларнинг сессиялари юзаки ўтиб, ижроия комитетлар таклиф этган қарор лойиҳалари «якдиллик билан» тасдиқланадику. Таклифлар, бирон бир ўзгариш қилиш лозим деган мулоҳазалар бўлмайди-ку, депутатларнинг кўп қисми бутун ваколат давомида, мунозараларда қатнашмайдилар-ку.

Конференция депутатлар қорпусини шакллантириш ва Советлар ишини ташкил этиш тартибини такомиллаштириш лозимлигига катта эътибор берди. Чунки бу ишда КПСС XXVII съездидан сўнг бирмунча тажриба ҳам тўпланди. Масалан, биринчи марта кўп мандатли округлар бўйича, гарчи чекланган эксперимент тариқасида бўлса ҳам сайловлар ўтказилди, бир неча номзодларни кўрсатиш ва муҳокама этиш практикаси қўлланилди. Бу тажрибани ижобий баҳолаб, конференция бу йўлдан яна олға томон бориш, номзодлар кўрсатишни чекламасликни таъминлаш, уларни эркинлик билан ва кенг муҳокама этиш, сайлов бюллетенларига мандатлардагига нисбатан кўпроқ номзодлар кўрсатиш зарур, деб кўрсатди. Сайловолди округ йиғилишлари депутатликка номзодларни демократик асосда баҳслашиб танлаш форумларига айланиши керак.

Бизлар кўпдан бери депутатликка номзодлар «номенклатура» ходимлари орасидан ҳамда социал состав — ишлаб чиқариш илғорлари «баланси», аниқроғи — шу торози шайнини тўғрилаш учун кўрсатилишига кўникиб қолганмиз. Биз ишлаб чиқариш илғорлари номзодлари кўрсатилишига талабгормиз албатта, улар ҳақиқатан ҳам муносиб кишилардир. Лекин ишлаб чиқариш топшириқларини ортиғи билан уддалаш, депутатлик бурчларини муваффақиятли бажариш учун камлик қилади. Чунки депутат учун юксак ижтимоий фаоллик, қатъий гражданлик позицияси, умумдавлат манфаатларини ҳам, сайловчилар ва меҳнат коллективлари манфаатларини ҳам қатъий туриб ҳимоя қила билиш биринчи даражали аҳамиятга эгадир. «Агар Советларга, — таъкидланади конференция Резолюциясида, — давлат миқёсидаги кенг дунёқарашга эга бўлган, социалистик янгиланиш позицияларида мустаҳкам турган, ўз сайловчиларининг муносиб вакили бўлишга, ўзларига берилган ҳуқуқлардан актив фойдаланишга қодир бўлган принципиал кишилар сайланса, Советлар ҳақиқатдан ҳам бундай шароитда чинакамига иш олиб борадиган орган бўлиб қолади».

Қайта қуриш масаласига келсак, бу даврда депутат деган юксак номга номуносиб хатти-ҳаракатлар қилганларни депутатлик мандатидан маҳрум қилиш керак (бу ҳол ҳозирги вақтда кўпинча жиноий ёки маъмурий ҳуқуқбузарлик тариқасида намоён бўлмоқда). Айни вақтда сайловчиларнинг ишончини оқламаган депутатларни чақириб олмоқ лозим. Зеро, пассивлик ва фаолиятсизлик оқибати учун жавоб бериш пайти келди.

Номенклатура ходимлари ичидан чиққан депутатлар хусусида шуни айтиш керакки келажакда бу тоифадаги депутатлар бўлмайди.

АВГУСТ-ҲОСИЛ ТЎПЛАШ ОЙИ

Пахтакор ўртоқлар!

● Ғўза ниҳоллари жадал ҳосил туга бошлади. Уни янада кўпайтириш ва тўла сақлаб қолиш — Сизларга боғлиқ. Ўсимлик парваришини намунали ташкил этиб, барча майдонларда баракали хирмонга мустаҳкам замин яратайлик.

● Ҳозир барча пайкалларда ғўза чеканкаси оммавий бошлаб юборилди. Бу муҳим агротехник тадбирнинг бирор кун ҳам кечикишига йўл берманг. Чеканкани вақтида тугаллаш — ҳосил етилишини тезлаштиради.

● Дала ишларини мусобақадош областлар пахтакорлари ва кеча иш бошлаган республикалараро ўзаро текшириш бригадалари аъзолари берган қимматли маслаҳатлар асосида ташкил этайлик.

● Машина терими — ишимизнинг унуми. Ғўзаларни машинабоп қилиб ўстириш ва мавжуд агрегатлар ремонтини барвақт тугаллаш — долзарб вазифа бўлсин.

● Дала меҳнаткашларига қулай меҳнат шароити яратиш — ҳар бир раҳбар ва мутахассис диққат марказида турмоғи керак.



АГРОУЧАСТКА МУВАФФАҚИЯТИ

Қарши районидаги қўриқ 8-совхозининг Лёва Ким бошлиқ агроучасткаси Қашқадарё областида биринчилардан бўлиб ягона пудрат асосида ишлаётган пешқадам коллектив. Участкада ҳар йили дала ишлари прогрессив метод асосида намунали уюштирилаётганлиги туфайли пахта ва бошқа деҳқончилик экинларидан мўл ҳосил етиштирилмоқда.

Телефонда агроучастка бошлиғи Л. КИМ:

— Асосий эътиборимиз арзон ва сифатли маҳсулот етиштиришга қаратилган. Шу боисдан ҳам етиштирган пахта ҳосилимизнинг ҳаммаси йил сайин машиналарда жамғариб олиняпти. Иқтисодий тежамкорлик диққатимиз марказида. Сарф-харажатлар ҳисоб-китобли. Бу — коллективимизга моддий муваффақият келтирмоқда. Пахтакорларимиз ўтган йили ҳар бир сўм иш ҳақига қўшимча 3 сўм 34 тийиндан устама ҳақ олишди.

Коллективимизнинг бу йилги марраси янада баланд. Мавжуд 720 гектар ердаги «С-6037» ва «Ф-108» навли экиннинг ҳар гектаридан пландаги 26,5 центнер ўрнига 32 центнердан пахта етиштиришни мўлжаллаб турибмиз. Бир сўз билан айтганда, давлатга 1 миллион 800 минг сўм ўрнига 3,5 миллион сўмлик маҳсулот сотмоқчимиз. Бунда ҳар бир сўм иш ҳақига 7 сўмдан устама мукофот олиш кўзда тутилган.

Ҳозиргача дала ишларимиз аҳдга яраша. Ғўзалар техника ёрдамида 7 марта комплекс ишловдан чиқарилди. Икки марта қондирилиб суғорилди, минерал ўғитлар билан озиқлантирилди. Чеканка механизмлар ёрдамида сифатли амалга оширилди. Бу ишларда Борис Лобанов, Гелдиёр Эрмўминов, Роберт Кань, Георгий Тень, Зоир Қаюмов каби механизаторлар ҳамда Юрий Ким, Мирон Кань, Георгий Ли, Сергей Дон, Геннадий Шевченко каби сувчилар алоҳида жонбозлик кўрсатишмоқда. Ўсимлик агротехника қоидалари асосида парвариш қилинаётганлиги туфайли ҳозироқ ҳар туп ғўзада 10-15 тадан бўлиқ кўсак бор.

Агроучасткамиз чўлқуварлари бошқа деҳқончилик экинларидан ҳам мўл ҳосил етиштирмоқдалар. Бугунгача мавжуд 104 гектар ердан 1 минг 600 тонна картошка, 100 гектар ердаги ғалланинг ҳар гектаридан 25 центнердан дон, 300 тонна полиз ва бошқа маҳсулотлар йиғиб-териб олишга эришдик.

Линияда «Совет Ўзбекистони» мухбири М. КАРОМОВ навбатчилик қилди.

ЗАРБДОР КУНЛАР

Асад — экинингни ясат, дейди халқимиз. Буни яхши билган Жиззах область, Октябрь районидаги «Уч қаҳрамон» совхози деҳқонлари шу кунларда ғўза парваришини авж олдирмоқдалар. Улар ўн иккинчи беш йилликнинг учинчи йилида алмашлаб экишни йўлга қўйишга киришдилар. Шу мақсадда пахта майдонларини бир мунча қисқартириб, 2723 гектар ерга чигит экишди. Ҳосилдорликни совхоз бўйича 28 центнерга кўтариш мўлжалга олинди.

Пайкалларга сифатли ишлов берилаётганлиги, қондириб суғорилаётганлиги туфайли ниҳоллар кун сайин яшнаб ўсмоқда. Ҳосил тугунчалари кўпаймоқда. Айни кезларда ҳар бир тупда 7—8 тадан бўлиқ кўсак мавжуд.

Суратда: (чапдан) механизатор Жамол Намозов, совхоз директори Анорбой Қобилбеков ва бригада бошлиғи Қўчқор Ўринбоев чеканка сифатини кўздан кечиришяпти.

Ш. Иброҳимов фотоси.

БЎЛИҚ КЎСАКЛАР

Ҳусан Турдиалиев бошлиқ бригада пахтакорлари ғўза парваришида Иштихон районидаги Ильич номли колхозда пешқадам. Бригада аъзолари шу кеча-кундузда бутун диққат-эътиборини ниҳоллар парваришига қаратганлар. Икки марта шарбат сувига қондирилган, 5 марта комплекс ишловдан чиқарилган ғўзалар гуркираб ўсяпти. Ҳозирнинг ўзида ҳар туп ғўзада 4-5 тадан тўқ кўсак санаш мумкин.

— Бригадамиз аъзолари, — дейди Ҳ. Турдиалиев, — хўжаликда биринчи бўлиб, ғўза чеканкасини бошлаб юборишди.

У. САИДОВ.

МЎЛ ҲОСИЛ ТЎПЛАНМОҚДА

Янгийўл шаҳридаги «Октябрь» колхози меҳнат аҳли бу йил ҳар гектар ердан пландаги 29,6 центнер ўрнига 35 центнердан ҳосил етиштиришга, ялпи ҳосилнинг 80 процентини машиналар ёрдамида териб олишга аҳд қилган. Ҳозир колхозда барча ишчи кучи, техника воситалари сифатли ишлов беришга, зарарли ҳашаротларга қарши курашга қаратилган.

Ушбу тадбирларни амалга оширишда меҳнат ўзаро социалистик мусобақа асосида ташкил этилди. Бригадалараро мусобақада Эргаш Жўраев, Турсунқул Дусебоев, Ҳошим Қосимов, Ким Громмлар бошлиқ бригада аъзолари ғолиблик қилишяпти. Мазкур бригада аъзолари 35-40 центнерлик марра учун курашяптилар. Илғор сувчилардан Мардали Халилов, Бўрибой Бидасов, Турдиали Андашев, Сотволди Бўтомовлар ҳар бир туп ниҳолни чилла сувига қондириб суғоришяпти. Ҳозир колхоз далаларида 10 та культиватор юксак унум билан ишлатилиб, ҳар куни 60-70 гектар майдондаги ғўза ниҳоллари ости юмшатиляпти. Мирзакор сувчилардан 70 киши ҳар куни 40 гектар майдондаги ғўза ниҳолларини обиҳаётга қондириб суғоряпти. Шу кунгача барча майдонлардаги ниҳоллар беш марта культивация қилинди. Икки марта озиқлантирилди ва суғорилди. Ҳозир учинчи чопиқ бошлаб юборилди.

— Ўсишдан орқада қолган ниҳолларни шарбат оқизиш йўли билан парваришни давом эттираверамиз, — дейди колхоз правлениеси раиси Ў. Тўрақулов. — Ғўзаларимизда 4—6 тадан кўсак бор. Эндиги вазифа бутун эътиборни экинни ўргимчаккана, кўсак қурти каби ҳашаротлардан сақлаб қолишга қаратишдир.

Т. ЮСУПОВ.

• *Беш йиллик илғорлари*

ҚАЙТИШ

Бугун у тонг билан туриб мусаффо ҳаводан нафас олди. Руҳида аллақандай енгиллик ҳис этди. Энди қадрдон даласи томон отланса бўлади. Чунки у даласини, ҳамкасбларини соғинганди. Гарчи, бригада аъзолари далада қилинаётган ишлар тўғрисида, ғўзанинг ривожи ҳақида уни хабардор қилиб туришган бўлса ҳам, ўз кўзи билан кўрмагунча кўнгли жойига тушмасди. Ғўзанинг аҳволи не кечдийкин? Парваришнинг сифати қандай экан? У кенг далаларга етиб бора-боргунча шуларни ўйлаб борди...

Аллақандай дард Ўрта Чирчиқ районидаги «Ленин йўли» колхозининг илғор бригадаси бошлиғи Абид Акиповни тўшакка михлаб қўйганди. У шу кўйи икки ҳафтадан ортиқ беморлик азобини тортди. Бугун эса касалликдан фориғ бўлиб яна даласига отланди.

...Абид ака бепоён даласига келди-ю, бу ерда амалга оширилган ишларни кўриб қувониб кетди: моҳир сувчилардан Шоисмоил Аҳмедов, Боқи Жумақулов, Шокир Аширматов, Бахтиёр Турсуновлар ғўзага дастлабки сувни тараб бўлишибди. Далада биронта бегона ўт кўринмайди. Ғўзанинг ривожи яхши. Тўла шоналаган ниҳолларда оқ қизил, пушти гуллар. Ҳар бир тупда 7-8 тадан кўсак. Бригадир пахтазорни кўздан кечириб бўлгач, канол экилган майдонга йўл олди. Бу ерда ҳам ишлар ёмон эмаслигини кўриб, қувончини яшира олмади:

— Баракалла, азаматлар. Менинг йўқлигимни билдирмабсизлар. Агар йил охиригача шундай суръатда ишласак марра бизники.

Ҳа, бу йил А. Акипов бошлиқ бригада азаматларининг шашти баланд. Улар кўкламда 106 гектар майдонга чигит экишди. Ў униб чиққач, парвариш бошланиб кетди. Ўз вақтида ягана қилинди. Бугунги кунгача ғўзаларга беш марта ишлов берилди. Лекин суғоришга шошилишмади. Дастлабки суғоришни июнь ойининг охирларида бошлашди. Сув тараллгандан кейин эса экин бирдан яшнаб, гуркираб ўса бошлади.

— Бизнинг 55 кишилик бригадамиз коллективи бу йил зиммасига улкан мажбуриятлар олиб ишламоқда, — дейди бригада етакчиси. — Эрта баҳорда ерларимизнинг ҳаммасига биз учун янги бўлган ғўзанинг С-6524 навли чигитини экдик. Бу нав Г. С. Зайцев номидаги ғўза селекцияси ва уруғчилиги илмий-тадқиқот институтида яратилган. У республикамизнинг кўпгина хўжаликларида синаб кўрилиб, яхши натижа берди. Сувсизликка, ўргимчакканага, вилтга чидамлилиги билан деҳқонларга манзур бўлди. Биз ушбу навни бу йил тажриба тариқасида экдик. Ниятимиз ҳар гектар майдондан пландаги 28,5 центнер ўрнига 29 центнердан уруғлик пахта териб олиш.

Абид Акипов хўжаликда «оқ олтин» етиштириш устаси, ёшларнинг севимли устози сифатида танилган. У меҳнатсеварлиги, ишга ҳалол ва виждонан ёндашиши туфайли обрў-эътиборга сазовор бўлди. А. Акипов бу ерларга ёшлигида — 1944 йилда Грузиянинг Адигун районидан келиб қолган. Мазкур колхозда эса 1951 йилдан бери ишламоқда.

У меҳнат фаолиятини оддий колхозчиликдан бошлади. Моҳир пахтакорлардан деҳқончиликни, пахта етиштиришнинг сир-асрорини билиб олди. Кейинчалик, 1964 йилда унинг ўзини бригадир қилиб сайлашди. Ўшандаси бери А. Акипов бригадаси пахта етиштириш бўйича планни тошириқларини мунтазам ошириб бажариб келмоқда. Ўтган йили коллектив ҳар гектар майдондан 29 центнердан пахта, гектаридан топшириқдаги 176,7 центнер ўрнига 180 центнердан каноп ҳосили етиштирди.

Аҳил коллективни ҳақиқий маънода интернационал бригада, деса бўлади. Бу ерда ўзбеклар, қозоқлар, туркллар, тожиклар бир оиланинг фарзандларидек меҳнат қилмоқдалар. Турли миллат вакилларининг чинакам дўстлиги, ҳамкорлиги туфайли яхши натижаларга эришилаётир. Меҳнат аҳлининг турмуш фаровонлиги яхшиланиб бормоқда.

— Мен ўзим турк фарзандиман, — дейди Абид Акипов. — Ўзбекистонга оиламиз билан бирга кўчиб келганимиздаёқ ўзбек халқининг одамшавандалигини, меҳрибонлигини ҳис қилдик. Бизга бу ерда бошпана беришди. Ҳунар ўргандик. Пахтачилик касбини эгалладик. Шу ўлкада яшаб, ҳалол меҳнат гаштини сураётганимдан бахтиёрман. Бу юрт менга, оиламиз аъзоларига ва биз сингариларга қувонч ва обрў берганидан шодман. Шу колхозда ишлаб малакамни оширдим. Шу ерда уйландим. Беш ўғил, икки қизнинг отасиман. Уч ўғлим олий маълумотли. Ўн неварам бор. Партия ва ҳукуматимиз менинг камтарона меҳнатимни «Ҳурмат Белгиси», «III даража Меҳнат Шуҳрати» орденлари, «Шавкатли меҳнат учун» медали билан тақдирлаб юксак баҳолади. Бу мендек оддий меҳнаткаш учун юксак шарафдир.

Одатда инсонга унинг меҳнатига қараб баҳо берилади. А. Акипов ҳам виждонан меҳнати туфайли ана шундай обрўга эришаётир. Бироқ қайта қуриш тарафдори бўлмиш бригадирни кўп нарса ташвишлантиради.

— Ҳозирги пайтда кўпчилик қайта қуриш ҳақида тўлқинланиб гапиряпти, — дейди коммунист А. Акипов. — Лекин ҳамма ҳам бу ишга астойдил киришгани йўқ. Ниманидир кутишяпти. Аслида кутиш эмас, ҳалол ва виждонан меҳнат қилиш керак. Бизнинг бригадамизга келсак, янгиликларни ўз вақтида илғаб олишга интиляпмиз. Кўп вақтлар пахта монокультураси туфайли турмушимиз қашшоқлашиб қолганди. Ерларимизга фақат пахта экилгани туфайли сабзавот ва мевани бозордан сотиб олишга мажбур бўлардик. Чорва озуқаси ҳам танқис эди. Эндиликда бундай ноҳуш ҳолларга барҳам берилди.

Дарҳақиқат, бригада далаларида қайта қуришнинг дастлабки мевалари кўриниб қолди. Бугунги кунда бу ерда алмашлаб экишга катта эътибор бериляпти. Жумладан 20 гектар ердаги эски бедазордан мўл чорва озуқаси ўриб олиняпти. 16 гектар майдонда янги бедазор ташкил этилди. Салкам 10 гектар майдонга пиёз экилган. Шобой Пардаев бошчилигидаги оилавий звено 3 гектар ерда турли сабзавотлар, ошқўклар етиштирмоқда. Бу маҳсулотлар давлатга ҳам топширилади, бригада деҳқонларининг дастурхонига ҳам тортиляпти.

— Биласизми? — дейди яна у, — яқин-яқин вақтларгача оддий кишиларнинг фикри билан ҳисоблашаверишмасди. Мисол учун, дала шийпонларини олайлик. Аввалари деҳқонлар бу ерга фақат тушлик қилиб, бироз дам олиш учун келишарди, холос. Уларнинг талаблари бажарилмасди. Лекция ва суҳбатлар ўтказилмасди. Радио ва телевизор, газета ва журналлар ҳақида гап бўлиши мумкин эмасди. Энди эса хўжалигимиз раҳбарлари ҳар қалай деққонга шароит яратиб беришга ҳаракат қилишяпти. Бундан буён коммунистлар ва комсомол аъзоларининг фаолиятини янада активлаштириш керак.

Мана, у яна қадрдон пахтазори томон одимлай бошлади. У энди яна ҳамкасблари даврасида, дала қўйнида. Гуркираб ривожланаётган ғўзаларга қараб, секингина пичирлаб қўйди: «Бормисан, далам? Бормисиз, ғўзаларим? Энди сизлардан кўнглим тўқ. Кузда олинадиган мўл ҳосилдан умид қилсак бўлади».

Ш. МИРҲАБИБОВ,
«Совет Ўзбекистони» махсус мухбири.

Конференцияда айтилганидек, барча босқичлардаги маҳаллий Советларнинг ижроия комитетлари аъзолари, шунингдек уларнинг бўлимлари ва бөшқармалари раҳбарлари, прокурорлар ва давлат арбитрлари ҳам тегишли Советлар депутатлари составига кирмайди. ССР Иттифоқи, иттифоқдош ва автоном республикалар ҳукуматларининг аъзолари ва идора раҳбарларига нисбатан ҳам худди шундай тартиб қўлланилади,

Депутатларни Советдаги доимий комиссиялар ва сайлов округларидаги, иш учун хизмат ва ишлаб чиқариш бурчларидан вақт-вақти билан озод этиб туриш тадбирлари ҳам Советлар ишининг самарадорлигини оширишга хизмат қилади.

Ҳозирги вақтда ижроия комитетлар ҳокимиятнинг ваколатлар органларидаги ишларни, яъни Совет сессияларини чақириш, доимий комиссиялар фаолиятини координациялаш, депутатлик группалари ишига раҳбарлик қилиш каби масалаларни ҳал этмоқдалар. Баъзи ҳуқуқшунос олимлар ана шундай практикага қарши ўз эътирозларини билдирдилар. Конференция, шунингдек қишлоқ ва посёлкадан ташқари маҳаллий ҳокимият органларига юқорида айтилган ва бошқа баъзи муҳим ҳаётий масалаларни ҳал эта оладиган доимий амал қилувчи Советлар Президиумлари сайланиши лозимлиги ҳақидаги фикрларни билдирдилар.

Яширин овоз бериш йўли билан сайланадиган Совет раиси лавозимини жорий этиш белгиланди. Бир қанча мунозаралардан кейин бу лавозимга, қоида тариқасида, тегишли партия комитетининг биринчи секретари сайланиши лозимлиги тавсия этилди. Бундай практика партия ва совет аппаратини ишининг бир-бирига чирмашиб кетишига олиб келмайдими? Конференция, йўқ бундай бўлмайди, деган хулосага келди. Бунинг муҳим жиҳати шундаки биринчидан, халқнинг ваколатли органлари бўлган Советларнинг роли партия обрўси билан мустаҳкамланади. Иккинчидан, партия раҳбарлари Советларнинг раислиги лавозимларига сайланганда улар меҳнаткашларнинг амалий ва доимий контролида бўлади. Чунки бу лавозимга сайлов сессияларда яширин овоз бериш йўли билан ўтказилади. Шундай қилиб партиявий раҳбарнинг коммунистлардан оладиган мандати икки карра — сайловчилар томонидан Советларга депутатликка сайловларда ва депутатлар томонидан Совет раиси лавозимига сессияларда тасдиқланган бўлади.

Конференция давлат ҳокимияти олий органларини қайта қуриш йўлларини ҳам белгилади. Бинобарин, мамлакат халқ депутатларининг съездлари ҳокимиятнинг органи бўлиб қоладики, уларнинг составига территориал ва миллий-территориал сайлов округлари депутатлари билан бир қаторда сиёсий системанинг асосий бўғинлари бўлмиш партия, касаба союз, комсомол, бошқа оммавий жамоат ташкилотлари, шунингдек кооператив, ижодий, илмий ташкилотлар вакиллари бўлмиш депутатлар ҳам киradилар.

Халқ депутатлари съездлари ўзларининг ҳар йилги мажлисларида мамлакат ҳаётининг энг муҳим конституцион сиёсий ва социал-сиёсий масалаларни ҳал этадиган бўлади. Съезд сон жиҳатидан нисбатан кам бўлган икки палатали СССР Олий Советидан тузилиши, (ҳозир унда 1500 депутат бор) назарда тутилмоқда.

Конференция барча босқичлардаги Советлар фаолиятини тузиш ва тадқиқ этишда шу йўлни тутмоқ лозим деб белгилаб, қонун билан мустаҳкамлади. Бу борада ўтмиш тажрибасига ҳам мурожаат этиб кўрайлик. Масалан, Хива ва Бухоро Халқ Совет Республикаларида, кейинчалик Ўзбекистон ССРда ҳам ҳокимиятнинг ваколатли органлари съездлари қурултой деб аталди. Бундан кейин ҳам Ўзбекистон ССР давлат ҳокимиятининг олий органига нисбатан шу номни сақлаб қолиш жоиздир.

«Сайлов тўғрисидаги қонунларни тайёрлашга жамоатчилик куни кеча бўлиб ўтган Пленумида ҳам алоҳида таъкидланди.

Совет сиёсий системасининг ислоҳоти ортиқча бўғинларни мунтазам равишда бартараф этиб боришни, бутун давлат бошқарув аппарати ишининг структурасини соддалаштириш ва такомиллаштиришни ҳам назарда тутади. Бу масала мамлакатда иттифоқ, республика ва маҳаллий даражаларда ҳал этилмоғи лозим. Масалан, Ўзбекистон ССР халқ хўжалигини бошқаришнинг бош схемаси сифатида 30 дан кўп республика давлат бошқарув бўғинини, 445 та область, район ва шаҳар даражасидаги бошқарув бўғинини тугатиш назарда тутилди. Шулар туфайли умуман республикада дастлабки маълумотларга кўра 29 мингга яқин маъмурий-бошқарув ходими бўшатилади.

Сиёсий системани ислоҳ қилишнинг муҳим йўналишларидан бири бошқарувни децентрализациялаш ва жойлардаги ташаббускорлик ҳамда мустақилликни оширишни таъминлайдиган функциялар ва ваколатларни қайта тақсимлашдан иборатдир. Бунда маҳаллийчилик, идоравийлик бартараф этилиб, айни вақтда марказ функцияларининг таъминланиши муҳимдир. Чунки социализм афзалликларини рўёбга чиқариш, жуда катта кўп миллатли давлатнинг умумиттифоқ манфаатларига риоя қилишни шуларсиз тасаввур этиб бўлмайди. Шу билан бирга, сиёсий система ислоҳотини амалга оширишда СССРга кирувчи барча миллатлар ва элатларнинг қардошларча тенг ҳуқуқли иттифоқини янада мустаҳкамлаш манфаатларини кўзлаб Совет Социалистик Федерациясини ривожлантириш масалаларига биринчи даражали аҳамият бермоқ лозим.

Совет сиёсий системаси ислоҳоти доирасида демократик принципдар асосида Совет Федерациясини янада ривожлантириш ва мустаҳкамлаш юзасидан етилган чора-тадбирларни амалга ошириш йўллари белгиланган. Бунда аввало, ССР Иттифоқи ва Совет республикалари компетенцияларини чегаралаш йўли билан иттифоқдош республикалар ва автоном республикалар, областлар ҳуқуқларини кенгайтириш, бир қанча бошқарув функцияларини марказдан жойларга олиб бериш, экономика, социал ва маданий ривожланиш, табиатни муҳофаза қилиш соҳасидаги мустақиллик ва масъулиятни кучайтириш назарда тутилади.

Ҳар бир республикада ўз фаровонлиги, Совет давлати умумий бойлиги ва қудратининг негизи бўлган ўз хўжалик фаолиятининг пировард натижаларидан манфаатдор бўладиган ҳамкорлик формаларини амалга ошириш ҳам муҳимдир. Иттифоқдош республикалар ўртасидаги тўғридан-тўғри алоқаларни ривожлантириш масалаларини ҳуқуқий жиҳатдан чуқур илмий ва амалий жиҳатдан ишлаб чиқиш ва рўёбга чиқариш вазифалари ҳам шу кунгинг долзарб вазифаси бўлиб турибди. Бу йўналишда, масалан Ўзбекистон ва Тожикистон раҳбарларининг яқинда бўлиб ўтган учрашувида конкрет қадамлар қўйилди.

Сиёсий системани такомиллаштириш планида яна шу нарса диққатга сазоворки, конференция миллатлар ва миллий муносабатлар ишлари бўйича махсус давлат органини тузиш тўғрисидаги таклифни қўллаб-қувватлади.

Конференциянинг иттифоқдош ва автоном республикалар, автоном областлар ва округлар тўғрисидаги қонунчиликни ривожлантириш ва янгилаш, бунда етилган янги жиҳатларни ҳисобга олиш лозимлиги тўғрисидаги тавсиялари ҳар томонлама қўллаб-қувватланишга сазоворди. Бу қонунчиликда иттифоқдош республикалар ва автоном республикаларнинг ҳуқуқлари ва бурчлари янада тўлароқ акс эттирилиши, ўз-ўзини бошқарув принциплари ва марказда ҳам, жойларда ҳам ҳокимият органларида барча миллатларнинг вакиллиги принциплари янада тўлароқ акс эттирилади.

Социализмга тўла мос келадиган сиёсий ҳокимиятни ташкил этиш формаси сифатида социалистик ҳуқуқий давлатни тузиш принципиал муҳим ишдир. Яқин вақтлар ичида мамлакатда кенг ҳуқуқий ислоҳот ўтказиладики, бу муҳим ҳаётий тадбир жамият ҳаётининг барча соҳаларида қонуннинг устунлигини таъминлашга, халқ ҳокимиятини ривожлантириш асосида социалистик ҳуқуқий тартибни қўллаб-қувватлаш механизмини кучайтиришга даъват этилган. Шу мақсадда конституцион назорат комитетини таъсис этиш, халқ депутатлари ижроия Советларини томонидан район, шаҳар, округ, область ва ўлка судларини сайлаш, судда энг муракқаб ишларни кўриб чиқишда қатнашадиган халқ маслаҳатчилари сонини кўпайтириш ва бошқа муҳим тадбирларни амалга ошириш назарда тутилган.

Ҳуқуқий ислоҳот доирасида амалга ошираладиган бу чора-тадбирларнинг ҳаммаси ҳам совет сиёсий системаси ислоҳоти билан чамбарчас боғлиқдир.

Партия конференцияси сиёсий системанинг муҳим бўғинлари бўлмиш жамоат ташкилотларини ташкил этиш ва улар фаолиятининг бир қанча етилган масалаларини янгичасига, чиндан ҳам ижодий равишда ҳал этди. Бу ўринда гап оммавий-жамоат ташкилотлари — касаба союзлари, комсомол, кооперация тўғрисидагина бораётгани йўқ. Сўнгги вақтларда ташкил этилган Ленин номидаги Бутуниттифоқ болалар фонди, Совет маданият фонди, ветераплар ташкилотлари ва шу сингарилар ҳақида бормоқда. Ўз олдига социалистик янгиланишга яқиндан кўмаклашиш мақсадини қўйган янги жамоат ташкилотлари ва бирлашмаларининг юзага келишини конференция ижобий воқеа деб баҳолади.

Совет коммунистлари аъжумани жамоат ташкилотлари фаолиятига юксак баҳо бериш билан бирга, улар ҳаётини демократиялаштириш, уларнинг мустақиллиги ва масъулиятини ошириш, тарқоқлик, юзакичилик, ташаббускорлик асосларининг сусайиши каби камчиликларни кескин бартараф этиш зарурлигини ҳам алоҳида таъкидлади. Оммавий-жамоат ташкилотларининггина эмас, балки, ижтимоий ташаббускор органлар фаолиятини ҳам активлаштириш лозим бўлади. Шулар ичида, Ўзбекистон учун оладиган бўлсак, маҳалла комитетларининг фаолияти айниқса, характерлидир. Бизнинг назаримизда маҳалла комитетлари янгиланиш жараёнида, қайта қуриш йўлидаги умумхалқ ватанпарварлиги ҳаракатида ўз имкониятларидан янада тўлароқ фойдаланишлари мумкин.

Сиёсий система ислоҳотининг муваффақияти кўп жиҳатдан партия ташкилотларининг ишига боғлиқдир. Шуни алоҳида таъкидлаш лозимки КПСС ислоҳот ташаббускори ва уни ҳаётга активлик билан жорий этиш ташкилотчиси бўлиб майдонга чиқди. Бу билан ўзининг ишчилар синфи ва барча меҳнаткашларнинг сиёсий авангарди эканлигини яққол исботламоқда.

Конференцияда таъкидланганидек, партиянинг жамиятдаги раҳбарлик ролини ленинча тушуниш биринчи навбатда партия комитетларининг давлат ва хўжалик органлари, вазифаларини бажаришдан воз кечишларини, давлат ва хўжалик органларига оид партиявий қарорлар қабул қилишни бартараф этишни, КПСС ўзининг сиёсий йўлини ижтимоий ҳаётнинг турли соҳаларида меҳнат қилаётган коммунистлар орқали ўтказади, деган принципга қатъий амал қилишни талаб қилади.

КПСС мамлакатимизда рўй бераётган барча демократик жараёнларга раҳнамолик қилиб, кадрлар масаласини ҳал этишда, масалаларнинг коллегиал ечимларини ишлаб чиқишда, ошкоралигини таъминлашда фаоллик кўрсатмоқда. Конференция, жумладан, партия комитетлари пленумларининг стенограммаларини, шунингдек партия ва жамият ҳаётининг катта масалаларини юзасидан тайёрланаётган қарорларнинг лойиҳаларини эълон қилиш тўғрисидаги, КПСС Марказий Комитетигача бўлган барча партия комитетлари аъзолари ва секретарларини яширин овоз бериш йўли билан сайлашни кенг муҳокама қилиш ва жорий этишни таъминлаш тўғрисидаги таклифларни яқдиллик билан қўллаб-қувватлади.

Партияда контрол-ревизия ишларини такомиллаштириш, субъективизм, ўз ҳукмини ўтказиш, шахсий ва тасодифий ҳолатларнинг партия сиёсатига таъсирига қарши ишончли гарантияларни таъминлаш мақсадида конференция ягона контрол органи — КПСС Марказий Контрол-Ревизия Комиссияси ва унинг жойлардаги органларини тузишни таклиф этди.

Сиёсий система ислоҳоти — масъулиятли ва қизғин иш бўлиб атрофлича ўйланган партия қарорларини ва йирик қонуний актларни қабул қилишни, Совет Конституциясига ва КПСС Уставига жиддий ўзгартишлар киритишни талаб қилади. Шунинг учун ҳам конференция СССР Олий Советининг навбатдаги сессиясида совет органларини қайта қуриш бўйича қонуний актлар лойиҳаларини кўриб чиқишни, СССР Конституциясига тегишли ўзгартишлар ва қўшимчалар киритишни лозим деб топди. Шу йилнинг охирига қадар партия аппаратини қайта қуришни ниҳоясига етказиш, партия ва Советлар ўртасидаги функцияларни тақсимлаш тўғрисида қабул қилинган қарорларни ҳисобга олган ҳолда, унинг структурасига тегишли ўзгартишлар киритиш назарда тутилди.

Сиёсий системада ислоҳ қилиш бошланди. Уни муваффақиятли амалга ошириш ва ҳозирги босқичда уни кўнгилдагидек ниҳоясига етказиш партия ва совет органлари, хўжалик ва жамоат ташкилотлари, ҳар бир коммунист ва гражданинг активлигига, собитқадамлигига боғлиқдир.

А. АЪЗАМХЎЖАЕВ,
Ўзбекистон ССР Фанлар академиясининг мухбир аъзоси.

ИШОНЧДАН МАҲРУМ БЎЛДИ

Бир йиғилиш протоколига қайдлар

МОТОРИСТ Р. ЮНУСОВ: — Иброҳимов, Андижон шаҳар партия комитети бюроси сизга ишончсизлик билдириб, вазифангизга нолойиқ деб топди. Қўлингизда отпускадан сўнг ишга тушиш тўғрисида буйруқ ҳам йўқ... Биз шаҳар партия комитети бюросининг қарорини маъқуллаймиз...

З. ИБРОҲИМОВ: — Аввало, мен автоколонна бошлиғи вазифасига муносибманми — йўқми, буни муҳокама қилиш сенинг ишинг эмас. Шаҳар партия комитетининг мени лавозимдан олишига ҳуқуқи йўқ. Биринчи секретарь ким бўптн... Сен нғвогарсан. Шаҳар партия комитети ҳеч ким эмас.

Ш. ЭРМАТОВ: — Мен автоколонна партия комитети секретари сифатида, Иброҳимов, сизни тартибга чақираман. Партиявий одобга риоя қилинг. Ҳақиқатан ҳам шаҳар партия комитети бюросининг қарори бор. Унинг биринчи секретари ўртоқ Т. О. Ҳатамов бизни хабардор қилган, Партия органи шаънига асоссиз дахл қилишга ҳаққингиз йўқ.

З. ИБРОҲИМОВ: — Сен ҳам, Эрматов, нғвогарсан, сени судга бераман!

КУЗОВЧИ Б. МИРЗАЕВ: — Мен коммунист эмасман, аммо партиянн ҳурмат қиламан. Иброҳимов унн ҳақорат қилди. Бунга йўл қўйиб бўлмайди. Мен унинг коллективга раҳбарлик қилишига ишонмайман. У ишончимизни йўқотди...

З. ИБРОҲИМОВ КИМ?

Нега ундан йиғилиш аҳли юз ўгирмоқда? Йиғилиш шу йилнинг май охирида Андижондаги 2511-автоколоннада бўлиб ўтди. Аслида колонна бошлиғи Зокиржон Иброҳимов ремонтчи ходимлар ва ҳайдовчиларга 1986 йилнинг ўн учинчи маоши ҳақида тушунтириб бермоқчи эди. Меҳнат отпускасидан қайтган бошлиқ шу масала хусусида ўз изоҳларини баён қилиб бериб, коллективни тинчлантириш ва унга раҳбарликни яна давом эттиравериш ниятида эди. Бироқ у мақсадига эришолмади.

Жамиятимизда тобора принципиал тус олаётган демократия ва ошкоралик жараёни унга халақит берди. У яқин-яқингача ҳам бунга сира йўл қўймаган бўлур эди. Чунки у колоннада атрофига йиғиб олган бир неча лаганбардори ва турли идораларда ишловчи, сеҳрига тушиб қолган айрим масъул ходимлар ёрдамида бошига келган ҳар қандай «бало»ни бемалол бартараф қила оларди. Ҳозир бўлса йиғилиш унинг измидан чиқиб, муҳокама марказига кимсан, бошлиқнинг ўзини тортди-қўйди.

Нега ўн учинчи маош масаласи олти йил давомида ҳал қилинмади, деган савол туғилади. Ремонтчи В. Гуровнинг сўзи бунга жавоб бўлиши мумкин. Колонна бошлиғи бунақанги муҳокама юритувчиларни, айниқса танқид қилганларни ҳамиша таъқиб остига олиб келган.

Кейинги уч йил давомида турли даражадаги партия, совет, хўжалик ва ҳуқуқ органларига, жумладан редакцияга ҳам, автоколонна ходимлари Н. Умаров ва Т. Зулуновдан қатор шикоят хатлари тушди. Улар Иброҳимовнинг раҳбарлик фаолиятидаги жиддий камчиликлар ва ўзлари вазифаларидан ноҳақ бўшатилгани ҳақида ёзишди. Редакцияга келган шикоятлардан бири 1987 йил сентябрида текширйш ва чора кўриш учун республика прокуратурасига юборилди. Ойлар ўтди, редакциянинг бир қанча эслатмаларига қарамай, бу масала юзасидан прокуратурадан жавоб бўлмади.

Шу йилнинг бошида аризачилар яна редакцияга иккинчи бор шикоят билан мурожаат қилишди. Ундаги фактларни дастлабки тартибда колонна партия ва касаба союз комитетлари, область автотрести вакиллари иштирокида ўрганиш учун андижонлик ҳамкасбимиз билан бирга автоколоннага борган кунимиз бошлиқ зўр бериб масалани коллектив йиғилишига олиб чиқишга, ўзаро суҳбатга тақлиф қилинган аризачиларни муҳокама қилдиришга уринib кўрди. Биз унга ариза мазмуни коллективга эмас, шахсан З. Иброҳимовга тааллуқли эканлигини зўрға уқтирдик. Суҳбат ўзи кўзда тутган тартибдан чиқиб кетгани учун у эшикни тарс ёпиб, партком кабинетини тарк этди. Трест бошқарувчисининг ўринбосари Б. Парпиев ва партком секретари Ш. Эрматов бошлиқни аранг жаҳлдан туширйб олиб киришди...

Автоколонна зиммасига Андижон шаҳри ва атроф районлар аҳолисига пассажир хизмати кўрсатиш вазифаси юкланган. У олдин тармоқнинг илғор корхоналаридан бири ҳисобланиб келган. Бир неча бор байроқ ва мукофотлар олган. Янги бошлиқ ўз шахсий обрўси ва манфаати йўлида ҳеч нарсадан қайтмади. Қўшиб ёзиш авж олди.

Кейинги йилларни олиб қарайлик. 1985 йил пахта йиғим-терими даврида автобуснинг бир кунлик ишига қўш наряд ёпилди ва бу «операция» 1566 сўм қўшиб ёзилишига имкон берди. 1986 йил тўртинчи квартали давомида қўшиб ёзишлар 11 ярим минг сўмни ташкил этди. Даромадлар суммасини ойдан-ойга, кварталдан-кварталга ўтказиб қўйиш фактлари содир бўлди. Масалан, 1987 йилнинг декабрига тегишли 4217 сўм 1988 йилнинг январь ойи ҳисоботига ўтказиб ёзилди. 1986 йил якунига кўра моддий рағбатлантириш (ўн учинчи маош) учун фойдаланиш мумкин бўлган 26,1 минг сўм пул колонна касаба союз комитети раиси А. Тўхтасинов расмийлаштирган қалбаки протокол асосида жорий мукофотга сарфлаб юборилди.

Лекин республика Автомобиль транспорти министрлиги ва тармоқ ходимлари касаба союзи республика комитети чуқур текширмасдан, автоколоннани 1986 йилги мусобақа ғолиби деб кўрсатиб, Ўзбекистон партия ва ҳукумати, комсомоли ва Ўзсовпрофнинг кўчма Қизил байроғига тавсия этиб юборди. Сохта обрўга ўч бўлган З. Иброҳимовни бу мукофот тағин ҳам талтайтириб юборди.

Автоколонна омборини реконструкция қилиб клубга айлантириш, чойхона ва ошхона қурилиши учун ажратилган бир неча юз минг сўмлик маблағдан қандай фойдаланилганини министрликда аниқ билишмади. Бунга алоқадор ҳужжатларни Андижон область прокуратураси олиб қўйибди. Автоколоннада айтишларича, бу қурилиш ва ремонт ишлари ҳайдовчилар томонидан ишдан бўш вақтларда ҳашар йўли билан амалга оширилган. Ажратилган маблағ эса бошлиқнинг укаси Шокир Иброҳимов раҳбар бўлган область ремонт-қурилиш бошқармасига ўтказиб юборилган.

Зокиржон жамоатчилик кўз ўнгида ўз мавқеини сақлаб қолиш ва шаҳар маъмурларига ёқиш учун корхона дарвозаси устига электр соати ўрнатиш ҳақида буйруқ берди. Область давлат автомобиль инспекцияси ходимлари автокорхона ҳисобидан қимматбаҳо буюмлар билан мукофотланди. Бунинг сабабини сўраганимизда Иброҳимов шундай деди:

— Яхши йигитлар экан, шаҳарликларни пахтага олиб чиқишда автобусларимизни кузатиб бориб ғайрат кўрсатишди, азаматлар. Шулар ҳам биздан хурсанд бўлсин, деб мукофот бериб юбордик.

Ажабо! Агар шундай фикр юритиладиган бўлса, ходимлар соғлиғини сақлаётган шифокорларга, ёнилғи қуйиб бергани учун заправкачиларга, яхши шеър ёзган шоирларга ва бошқаларга ҳам автокорхона ҳисобидан мукофот тақсимлаш керак экан-да. Дарвоқе, маҳаллий шоирлардан бири О. Холдор шеърий мадҳия ёзиб ўтирмади, республика адабиёт газетасида А. Ҳайдаров билан бирга 1986 йил сентябрида бошдан-оёқ Иброҳимов мақтовидан иборат мақола босиб чиқиш учун ҳайдовчилардан пул олиш авжига чиқаётгани ҳақида сигнал тушди. Йўловчилардан қонунсиз йиғилган пуллардан ҳайдовчилар группа бошлиқларига, улар эса автоколонна раҳбарига узатишар экан. Милиция ходимлари Ҳожибековни жиноят устида — пул олаётган пайтда ушладилар. У пул тўплаш жараёнини Иброҳимовга пул берган ҳайдовчилар ва группа бошлиқлари номларини айтиб берди. Бундан ташқари Ҳожибеков квартира олиш учун Зулунов орқали Иброҳимовга пора бергани ҳақида баёнот ёзди. Зулунов буни тасдиқлади. Шу ва бошқа маълумотлар асосида Иброҳимов ҳибсга олинди.

Тергов давомида Иброҳимов Янгийўл шаҳрида Алимчақов фамилиясида яшаганлиги, у ерда катта миқдорда қишлоқ хўжалик маҳсулотлари сотиб олиб, РСФСРга элтаётганида қўлга тушгани ва қамоққа олингани маълум бўлди. Унинг жиноий иши Янгийўлга юборилган ва ҳаракатдан тўхтатилган экан. СССР Ички ишлар министрлигининг ахборот маркази унинг жиноий жавобгарликка тортилганини тасдиқлади.

Юзма-юз учраштириш чоғида ҳайдовчилар ва воситачилар Зулунов билан Ҳожибеков Иброҳимовга пора берилганини тасдиқлашди. Айни пайтда уларга ўз кўргазмаларидан воз кечишларини талаб қилиб, тазйиқлар ўтказила бошланди. Чунки Иброҳимовнинг акаукалари масъул лавозимлардан ишлашар, уларнинг кўплаб танишлари ўз мавқеларидан фойдаланиб гувоҳларни чўчитардилар. Баъзи гувоҳлар бу ҳаракатга дош беришолмади.

Область прокурори вазифасига келган С. Ҳусанов Иброҳимов гўё қаттиқ қасал ва обкомнинг биринчи секретари эҳтиёт чорасини ўзгартириш ҳақида қистова олаётибди, деб уқтира бошлади. Сал вақт ўтгач, у мени арзимас иш билан Қўрғонтепа районига юборди. Қайтиб келиб билсам, Ҳусанов экспертнинг касаллик тўғрисидаги қонунсиз хулосасига кўра Иброҳимовни бўшатиб юборибди.

Бунгача Иброҳимовнинг хотини республика автомобиль транспорти собиқ министри Гаврилов қабулига қатнаган. Унинг шикояти Осетров назоратига олинди ва мени ҳужжатлар билан Тошкентга чақиришди. Пайтдан фойдаланган Иброҳимовнинг яқинлари ички ишлар министри уларга қариндош, Засеевни пойтахтга бекорга чақиришмаган, деган миш-мишларни тарқатишди. Бу гаплар обком инструктори томонидан тарқатилгани учун унга ишонган айрим ҳайдовчилар ўз кўрсатмаларидан тондилар.

Иброҳимов изолятордан чиқариб юборилгандан сўнг менинг оилам учун чидаб бўлмас вазият вужудга келди: икки марта мактабда ўқийдиган қизимни машинада олиб кетишга уринишди, ўғлимни уриб қочишди, уйимга телефон қилиб ҳақоратлашди, қўрқитишди.

Жиноят қилишда шубҳаланган шахсни очиққа чиқариб юбориш тафсилоти қуйидагича: тергов изоляторидан уни хизматда фойдаланиладиган ГАЗ-24 автомашинасида намойишкорона олиб кетишиб, мутлақо саломат бўлишига қарамай, медицина институти клиникасининг алоҳида палатасига ётқизишган. Сўнгра у Москвага бориб, олдин меҳмонхонада, кейин хусусий квартирада яшаган.

Терговнинг кейинги жараёнида Осетров (республика Компартияси Марказий Комитетининг собиқ иккинчи секретари кўзда тутиляпти). Иброҳимов шикоятини беш марта назоратга олди. Ҳар гал мени Тошкентга чақиришдан қайтмади. Қайтиб келсам, яна бир гуруҳ гувоҳлар сўзидан қайтишарди. Шу тариқа Тошкентга 6 марта қатнашим мобайнида 40 гувоҳдан 11 киши, жумладан Зулунов ўз сўзида қаттиқ туриб қолишди. Лекин Иброҳимов иши бекор қилинди ва у партия сафига тикланди.

Ишни олиб борган терговчи область прокурори Ҳусановнинг таъсирига тушиб қолганини ҳисобга олиб, мен бошқа региондан терговчи юборишларини сўрадим. Янги терговчи келди. Бир ҳафта ўтмаёқ Иброҳимов у билан ичкиликбозлик уюштирди, меҳмонхонага видеомагнитафон келтиришди. Мен буни билгач, терговчига ишни тезлаштириб жўнаб кетишни маслаҳат бердим. Шундан сўнг литвалик терговчи Берзинш келди. Унга ҳам таъқиб уюштирилди. Вужудга келган вазиятни енгиб ўтолмай у тезда ишни тўхтатиб жўнаб кетди.

Ўша пайтдаёқ ОБХСС органларининг иш практикаси автотранспорт системасида ҳайдовчилардан пул йиғиш авж олаётгани, бу ҳаттиҳаракатдан раҳбарлар бехабар эмаслиги тўғрисидаги хулосамиз тўғрилигини тасдиқлаган эди.

(Бизнинг справка: Ўртоқ Р. Ф. Засеев ҳозир Тошкент область прокуратурасида масъул лавозимда ишламоқда).

Ўзига бино қўйган бошлиқнинг кирдикорлари ҳақида очиқ-равшан тегишли жойларга ёзиб чарчамаган Т. Зулунов ва Н. Умаров таъқиб қилинди. Шикоятчиларнинг босган ҳар бир қадами маъмурият назорати остида бўлди. Ҳатто тушки овқатдан сўнг радиодан концерт тинглагани учун Т. Зулунов устидан ишламаяпти, деган акт тузилди. Кўп ўтмай уйдирма айблар асосида унга нисбатан жиноий иш қўзғатилди. КПСС сафидан чиқарилди. Т. Зулунов билан Н. Умаровни автоколоннага киритмай қўйишди. Прокуратура ходими Ю. Семеновнинг улар ноҳақ ишдан бўшатилгани тўғрисидаги хулосаси қаттиқ зарбага учради.

(Бизнинг справка: халқ суди бир неча бор қайтарган жиноий иш шу йил бошида Фарғона область прокуратураси қарорига асосан бекор қилинди ва яқинда Тожиддин Зулунов партия сафига тикланди).

Бош механик Н. Умаровга қўйилган айблардан бири — у бош механик бўла туриб электр энергияси ортиқча сарфланишича йўл қўйгани ҳақида эди. Аслида бу нотўғри. Шаҳар электр тармоғи идораси берган справкага қараганда, 1986 йил биринчи кварталида 15822 киловатт-соат энергия иқтисод қилинган.

Биз бу ерда Т. Зулунов, Н. Умаровларнинг шикоятлари билан шуғулланган прокуратура ходимларининг иш усули ҳақида мулоҳаза юритмоқчи эмасмиз. Улар ишга холис ёндашиб хулоса ясашларига шубҳам йўқ. Лекин аризачилар фактларни ўрганиш чоғида ўзлари қатнашмаганликлари, қўпинча прокурорлар қарши томон тайёрлаган ҳужжатларга суянибгина хулоса чиқараётганлари, З. Иброҳимов устидан тўрт йил олдин қўзғатилган жиноий ишни қайта текшириш чўзиб юборилаётганидан шикоят қилишяпти. Н. Умаров ўз хизмат вазифасини бажаришга ҳаракат қилганлигини қўрсатувчи далиллар эътиборга олинмаган.

Тан бериш керак, айрим пайтларда З. Иброҳимов ва унинг атрофидаги шахслар автоколонна бошлиғи устидан шикоят ёзган Н. Умаров, Т. Зулунов ва бошқаларни коллективдаги кўпгина одамлар кўзига иғвогар сифатида қўрсата олишди. Шахсан Иброҳимовнинг хатти-ҳаракати қоралаб ёзилган хатлар гўё бутун коллектив устидан қилинган туҳмат дея тушунтирилди. Бошлиқни ҳимоя қилиш мақсадида коллектив номалар ёзилиб, Тошкентга вакиллар жўнатилди.

Лекин баён қилинган воқеалар моҳияти билан Т. Зулунов, Н. Умаров ва бошқа шикоятчиларни фариштa қилиб кўрсатиш ниятимиз йўқ. Кўпинча улар бошлиқни қоралаш учун ноўрин эҳтиросларга ҳам берилиб кетишади. Уларнинг З. Иброҳимов запасдаги офицер унвонини қалбаки йўл билан олган деган даъволари тасдиқланмади. Н. Умаров ўз вақтида оилавий турмушда қоқилгани туфайли партия сафидан чиқарилган. Илгари судланган ҳайдовчи М. Маматхонов автобусда билетсиз йўловчилар билан бир неча бор қўлга тушган. Т. Зулунов авариядан сўнг 97—80 АНД номерли автобусни амалдаги тартибга мувофиқ тўла расмийлаштирмасдан ремонтга қўйган. Албатта, биз бу ерда аввало, шикоятдаги фактларни, сўнгра ариза авторларининг шахсини ўрганишга ҳаракат қилдик.

З. Иброҳимов устидан ёзилган шикоятларнинг бир қисми тасдиқлангач, область партия комитети 1986 йили июнь ойида уни вазифасида қолдириш-қолдирмаслик масаласини министрликка ҳавола қилди. Бироқ собиқ министр Азимбеков уни сал қойиб, пешонасини силаб қўйиш билан чекланди.

Ҳа, З. Иброҳимовнинг сеҳри кучли экан. **Нуқса, шунча нохуш воқеалардан сўнг** ҳам у на партия органини ва на ҳақиқатга интилган ишчи-хизматчиларни менсимай юравермасди! Дарвоқе, у қандай қилиб партияга кириб олди?

Раҳбарлик зиналаридан тезроқ юқорига кўтарилиши партияга кириш билан боғлаган мансабпараст Зокир Алимчақов партия аъзолигига кандидатлик карточкасини 1977 йил сентябрида Иброҳимов Зокиржон Иброҳимович номига ёзилган партия билетига алмаштирди. Лекин қабул масаласи кўрилаётган пайтда ёзган справкага қараганда, 1986 йил биринчи кварталида 15822 киловатт-соат энергия иқтисод қилинган.

Ҳа, З. Иброҳимовнинг «ташкилотчи»лиги ва «қобилияти» нималарга қодирлигини юқорида баён қилинган мисоллардан билса бўлади. Назаримизда, буни билишгина кифоя эмас, чуқур идрок этиш, кенг демократия ва ошкоралик принциплари, коллектив фикрини ҳисобга олган ҳолда тўғри баҳолаш лозим. Токи, одамларнинг тақдирига эгалланган мавқеи, лавозими ва кўздан йироқ бошқа «фазилатлари»дан қатъи назар бирдай муносабатда бўлишга ўрганайлик.

А. АБДУБАННОПОВ,
«Совет Ўзбекистони» махсус мухбири.

И. П. БЕКЖОНОВ

Гражданлар уруши ва Улуғ Ватан урушининг қатнашчиси, истеъфодаги генерал-майор Иброҳим Паскаевич Бекжонов узоқ давом этган оғир касалликдан сўнг вафот этди.

Тақдири совет халқига, Коммунистик партия ишига астойдил хизмат қилишнинг ёрқин намунаси бўлган инсон ҳаётдан кўз юмди. У 1919 йилдан Коммунистик партия аъзоси эди. И. П. Бекжонов 1895 йил 17 октябрда Қозон губерниясининг Касимов уездидаги Болотци қишлоғида камбағал-деҳқон оиласида туғилди. 1917 йилнинг ноябрида у биринчи жаҳон уруши синовларидан ўтган солдатлардан тузилган Қизил гвардиячилар отряди составида Шарқий фронтга жўнатилди. Унинг бутун ҳаёти Қизил Армия билан боғланган эди.

Адмирал Колчак ва атаман Дутовнинг оқгвардиячи галаларига қарши жанг қилган кавалерия отрядида у бўлимга, сўнгра эскадронга командирлик қилди. 1920 йилда у М. В. Фрунзе қўмондонлигида Бухоро амирлиги қўшинларини тор-мор этишда қатнашади, сўнгра ёш республиканинг кавалерия қисмлари учун чавандозлар янги авлодига таълим беришни ташкил қилади. Йигирманчи йилларда алоҳида кавалерия полкига командирлик қилиб, Ўрта Осиёда босмачиларни тугатишда фаол қатнашади. Кейинчалик Комил Миршароповнинг биринчи Ўрта Осиё кавалерия бригадаси штабига бошчилик қилади. Шу бригада босмачиларни тормор этишни ниҳоясига етказади.

Шундан кейинги йилларда И. П. Бекжонов турли ҳарбий округларда ҳарбий хизматни давом эттирди, Украинанинг ғарбий районларини ва Молдавияни озод қилишда қатнашди. Бутун Улуғ Ватан урушини у жанг майдонларида ўтказди. Кавалерия дивизиясида қўмондонлик қилиб, жанговар вазифаларни бажаришда кучини ҳам, соғлиғини ҳам аямади.

Ватан И. П. Бекжонов хизматларини юксак баҳолади. У Ленин ордени, учта Қизил Байроқ ордени, бошқа кўпгина давлат мукофотлари билан тақдирланган. Бухорода Совет ҳокимиятини ўрнатишда кўшган катта ҳиссаси учун Бухоро Халқ Республикаси ордени билан мукофотланган.

И. П. Бекжонов истеъфога чиққач, ўз умрининг сўнгги кунларигача ёш солдатлар, республика йигитқизлари ўртасида ҳарбий ватанпарварлик тарбияси билан шуғулланди.

И. П. Бекжоновнинг порлоқ хотираси қалбимизда ҳамиша сақланиб қолади.

Бир группа ўртоқлари.

РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР

56-ЎРТА ҲУНАР-ТЕХНИКА БИЛИМ ЮРТИ

йигирувчи, тўқувчи, калаваловчи, хом ип тайёрловчи, ип эшувчи, тароқловчи, ўровчи, касблари бўйича

ЎҚИШГА ТАКЛИФ ҚИЛАДИ

Ўқиш муддати — 1—3 йил.

Ўқишга 8—10 синф маълумотига эга бўлган қизлар қабул қилинади.

Ўқиш даврида 3 йил таълим оладиган ўқувчилар бепул иссиқ овқат, кийим-бош; 10-синфни битириб ўқишга кирган ўқувчилар ойига 30 сўм стипендия ва база корхона ҳисобидан қўшимча 40 сўм устама ҳақ билан таъминланадилар.

Ишлаб чиқариш практикаси даврида барча ўқувчиларга иш ҳақининг 50 процонти тўланади.

3 йил таълим олган ўқувчилар улар билим юртини тугатгач касб ўрганиб чиқиш билан бирга тўлиқ ўрта маълумот оладилар, билим юртини аъло баҳолар билан тамомлаган ўқувчиларга техникумлар ва олий ўқув юртларига имтиёзли шартлар билан ўқишга киришлари учун йўлланма берилади.

Ўқиш даври доимий меҳнат стажига қўшиб ҳисобланади. Ўқиш ўзбек ва рус тилларида олиб борилади.

Билим юрти ўз ётоқхонасига, спорт комплектларига эга, техника ижодиёти, бадиий ҳаваскорлик тўгараклари ишлаб турибди.

Билим юртига ўқишга киришни хоҳловчилар қуйидаги ҳужжатларни топширишлари шарт: ариза, маълумот ҳақидаги ҳужжат, медицина справкаси, 6 дона фотосурат (3х4 см. ҳажмида), характеристика, яшаш жойидан справка.

Аризалар ҳар куни соат 9 дан 18.00 гача қабул қилинади.

МАШҒУЛОТЛАР — ГРУППАЛАР КОМПЛЕКТЛАШУВИГА ҚАРАБ БОШЛАНАДИ.

Адрес: 700198, Тошкент шаҳри, Сергели райони, Қўйлиқ массиви, 5«Б» квартали, 51-уй (37э, 45, 55, 104, 111-автобуслар; 26-трамвай; 11, 30, 31-маршрутли автобусларнинг «Диспетчерская» бекати).

Телефонлар: 90-61-11, 90-19-81, 90-60-09, 90-62-24.

Обуначилар, корхоналар, ташкилотлар ва муассасаларнинг раҳбарлари

ДИҚҚАТИГА!

Совет газеталарига хусусий равишда

ОБУНА ДАВОМ ЭТМОҚДА

Августдан 1989 йил январь ойидан бошлаб уйга эълтиб бериш шарти билан барча совет журналларига, илмий-техника ахбороти органларининг нашрларига ва чет эл нашрларига обуна қилиш бошланди.

Обуна барча алоқа бўлимларида «СОЮЗПЕЧАТЬ»нинг обуна қабул пунктларида, иш жойларидаги жамоатчи матбуот тарқатувчилар томонидан 1 ноябргача қабул қилинади.

Корхоналар, муассасалар ва ташкилотлар учун идоравий обуна 15 августдан 15 сентябргача расмийлаштирилади.

«СОЮЗПЕЧАТЬ» РЕСПУБЛИКА АГЕНТЛИГИ.

МАРКАЗИЙ «ПАХТАКОР» СТАДИОНИДА

3 август соат 19.30 да СССР 51-Чемпионати учун «Пахтакор» — «Звезда» (Тошкент) (Пермь)

1-ЛИГА КОМАНДАЛАРИ ўртасида

ФУТБОЛ

СПОРТ БУЮМ ЛОТЕРЕЯСИ ЎЙНАЛАДИ. **Серияларнинг номерлари — 032001 дан 034000 гача.**

Коллектив бўлиб тушиш учун заявкалар қабул қилинмоқда.

Редактор ўринбосари Т. НАЖМИДДИНОВ.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети аппаратининг партия ва касаба союз ташкилотлари масъул ходим А. Г. Погребнякка онаси

Людмила Васильевна СМОРОДИНОВАнинг

вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор қиладилар.

Ўзбекистон телевидениесининг ижодий коллективи Мусиқали кўрсатувлар Бош редакцияси халқ чолғу ансамблининг созандаси Э. Ҳўжамбердиевга отаси

Илаш ҲУЖАМБЕРДИЕВнинг

вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

«Гидроингео» институти коллективи институтнинг собиқ илмий ходими, геология —минерология фанлари кандидати

Хурия Орифхоновна ҲАСАНОВАнинг

вафот этганлигини чуқур қайғу билан билдириб, марҳумнинг оила аъзоларига таъзия изҳор қилади.

ХРОНИКА

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми ўртоқ В. И. Антонов бошқа ишга ўтганлиги муносабати билан уни Ўзбекистон ССР Давлат агросаноат комитети раисининг биринчи ўринбосари — Ўзбекистон ССР министри вазифасидан озод қилди.

* * *

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми ўртоқ И. Қурбонов бошқа ишга ўтганлиги муносабати билан уни Ўзбекистон ССР Давлат агросаноат комитети раисининг биринчи ўринбосари — Ўзбекистон ССР министри вазифасидан озод қилди.

• Спорт — • Спорт — • Спорт

ШАХМАТ:

КУЧЛИЛАР ОЛДИНДА

Москвада таниқли гроссмейстерлар иштирокида ўтказилаётган мамлакат чемпионатида пешқадамлар мавқеи мустаҳкамланмоқда. Кечиктирилган ўйинлар давом эттирилганда Иванчук — Халифманни, Ваганян — Эльвестни, Карпов — Смирнини, Смирин — Маланюкни, Салов— Смислов билан Гуревични енгишди. Ҳозир жаҳон чемпиони Г. Каспаров 3,5 очко билан олдинда бормоқда. А. Карпов билан В. Салов ҳисобида учтадан очко бор.

ЧИМ ХОККЕЙ:

ТУРНИР ҒОЛИБИ

Клайпеда шаҳрида ўтказилган халқаро турнир якунланди. Совет хоккейчилари 6 очко тўплаб муваффақият қозонишди. ЧССР командаси учта очко билан иккинчи, ГДР хоккейчилари икки очко билан учинчи ўринларни эгаллашди. Хоккейчиларимиз ғалабасига Тошкент областининг «Политотдел» ҳамда «Андижанка» хоккейчи қизлари ҳам муносиб ҳисса қўшдилар.

ФЕДЕРАЦИЯ КУБОГИ:

ЖАВОБСИЗ ТЎПЛАР

СССР Футбол федерацияси кубоги учун биринчи лига коллективлари ўртасида ўтказилган ярим финал учрашувлари мухлисларда катта қизиқиш уйғотди. «Пахтакор» футболчилари Риганинг «Даугава» коллективини қабул қилиб, дарвозага 3 та жавобсиз тўп киритишди. Ростов-Дон армиячилари эса «Кузбасс» командасини 6:2 ҳисобида енгишди.

ИККИНЧИ ЛИГА:

ЙИРИК ҲИСОБ

Иккинчи лиганинг Ўзбекистон зонасида навбатдаги учрашувлар ўтказилди. Фарғонанинг «Нефтяник» коллективи Тошкентнинг «Трактор» командасини қабул қилиб (5:0) ғалаба қозонди. Фарғоналиклар ҳозир 30 очко билан пешқадамлик қилишмоқда. «Косонсойчи» — «Металлург» учрашувида 3:0 ҳисоби қайд этилди. Косонсойликлар 29 та очко тўплашган. «Соҳибкор» футболчилари эса «Целинник» коллективини қабул қилиб (1:6), имкониятни бой беришди. Улар 27 очко билан иккинчи ўринда боришмоқда.

ТЕЛЕВИДЕНИЕ

МТ-I. 7.00 — «120 минут». 9.05 — «Жузеппе Верди». Бадиий фильм. 1-серия — «Болалик ва ўсмирлик». 2-серия. — «Энг оғир йиллар». 11.25 —Янгиликлар. 11.35 — Катталар учун ўйинлар. 16.00 — Янгиликлар. 16.15 — Молдавия телевидениесининг программаси. 17.20 — Горький саҳнасида совет балети. 17.45 — Ҳужжатли фильм. 18.25 — Архитектура ёдгорликларида музика. 18.55 — Мультфильм. 19.15 — Дунё воқеалари. 19.35 — Денгиз дўстларини кутиб олмоқда. 20.15 — Шеърият лаҳзалари. 20.20 — «Жузеппе Верди». Бадиий фильм. 2-серия. «Энг оғир йиллар». 21.30—Время. 22.05—Ҳужжатли фильм. 22.55 — Дунё воқеалари. 23.05 — Вдтана уэра пантомима.

МТ-II. 9.00 — Гимнастика. 9.20 — Солистлар, хор, флейта, икки арфа ва литавр ижросида сюита. 10.00 — Илмий-оммабоп фильм. 10.20 — Француз тили. 10.50 — Мультфильмлар. 11.30 — Француз тили. 12.00 — Болалар учун қисқа метражли бадиий фильмлар. 13.10 — Ҳужжатли фильм. 13.35 — «31 июнда». Бадиий фильм. 2-серия. 14.40 — Янгиликлар. 14.50 — «Оловли йўллар». Бадиий фильм. 5-серия. 18.35 — Янгиликлар. 18.45 — Ритмик гимнастика. 19.15 — Виолончель ва фортепьяно учун соль-мажор сонатаси. 19.30 — «9-студия». 20.30 — Хайрли тун, кичкинтойлар! 20.45 — ...16 ёшгача ва ундан катталар. 21.30 — Время. 22.05 — Қайта қуриш прожектори. 22.15 — «Квартет». Бадиий фильм. 23.30 — Янгиликлар.

УзТВ-I. 15.00 — Ҳужжатли фильмлар. 16.05— «Тошкент — нон шаҳри». Бадиий фильм. 17.40 — Мастерликка йўл. 18.00 — Янгиликлар. 18.10 — «Пионерлар мамлакатида». 18.55 — Илгор тажриба — хўжалик юритиш практикасига. 19.25 — Ҳужжатли фильм. 20.00 — Ахборот. 20.20 — Телефильм. 20.30 — Ахборот. 20.50 — Ўзбек кўйларидан концерт. 21.30 — Время. 22.05 — Ешлик.

УзТВ-II. 19.35 — Телефильм. 19.45 — «Анна Каренина». Бадиий фильм, 1-серия. 21.00 — Илмий-атеистик пропаганданинг таъсирчанлиги учун. **Душанба.** 21.30 — Время. 22.05 — Кино оламида. 23.15 — «Кралевога борадиган поезд». Бадиий фильм.

РАДИО

Биринчи программа. 8.30 — Қўшиғимиз сизга армуғон. 9.30 — М. Бойматова куйлайди. 9.45 — Ўзбек тилини ўрганамиз. 12.10 — Ишчинома. 12.30 — Афғон тароналари. 12.50 — Най наволари. 13.00 — Ўзбекистон чорвадори. 13.30 — «Машина времени» ансамбли ижро этади. 14.00 — Қишлоқ хўжалик ходимлари учун эшиттириш. 15.30 — Болалар шеърияти радиокутубхонаси. 15.50 — Врач маслаҳати. 18.15 — Жаҳон сиёсатининг актуал масалалари. 18.30 — Бастакор М. Мирзаев қўшиқлари. 19.20 — Фонатекамиз хазинасидан. 19.50 — Халқаро кундалик. 21.00 — Қишлоқ меҳнаткашлари учун концерт. 22.45 — Таниш тароналар. 23.00 — Оқшом тўлқинларида.

• Тингланг, томоша қилинг

2 АВГУСТ, СЕШАНБА

Р — 10879. Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетн нашриётининг Меҳнат Қизил Байроқ орденли босмахонаси. Тошкент шаҳри. А. — 175. ИНДЕКС 64583. 1 2 3 4 5 6 7 8 9 10 11 12